

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТДПУ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**Н.МУСЛИМОВ, М.УСМОНБОЕВА,
Д.САЙФУРОВ, А.ТЎРАЕВ**

**ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК
ВА КРЕАТИВЛИК АСОСЛАРИ**

Тошкент – 2015 йил

Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент, 2015. – 120 бет.

Ўқув-методик қўлланма A-1-141 “Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёrlаши ва малакасини ошириши тизими учун модулли Web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиши” мавзусидаги грант лойиҳаси асосида яратилган. Унда “педагогик компетентлик” тушунчасининг моҳияти, педагогга хос компетентлик сифатлари, уларни ривожлантириши ўйлари, педагогик маҳоратнинг таркибий асослари, педагогик креативликнинг ўқитувчи фаолиятида аҳамияти, ўрни ва ролига доир масалалар ҳақида сўз юритилган. Алоҳида эътибор амалий машгулотлар жараённида талаба ҳамда малака ошириши курсларининг тингловчиларида касбий компетентлик ва педагогик креативликни ривожлантиришига қаратилган.

Уибу ўқув-методик қўлланма узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият олиб бораётган педагоглар, касбий компетентлигини ривожланиши истагида бўлган ўқитувчилар ҳамда таълим жараённида Web технологияларидан фойдаланиши масаласига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

Педагогика фанлари доктори,
профессор в/б. **Д.И.Рўзиева**

Педагогика фанлари номзоди,
катта илмий ходим **М.Диванова**

Ўқув-методик қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгаши йиғилишининг 6-сонли карори (“24” декабр 2015 йил) билан нашрга тавсия этилган.

СЎЗБОШИ

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиёти истикболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият хаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганилиги янгидан-янги ютукларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жихатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютукларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шиҷоат ва қатъият қўрсатишни талаб этмоқда.

Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида турли ихтиосликлар ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёкарашларини бойитишда уларни инновацион таълим технологиялари билан яқиндан таништириш мухим аҳамиятга эга. Малака ошириш тизимида “Инновацион таълим технологиялари” ўқув модулининг ўқитилаётганилиги педагог кадрларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари учун шароит яратиб қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Айни вақтда “Инновацион таълим технологиялар” ўқув модули олий таълим пеагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчилар томонидан ўзлаштирилаётган касбий билим, кўнікма, малака ва компетентлик сифатларини янада ривожлантириш, кенг кўламли илмий-тадқиқотларни олиб бориш, кучли ракобат мавжуд бўлган меҳнат бозорида ўз ўринларини сақлаб қолишиларига ёрдам беради.

Ўқув модули доирасида тингловчилар инновацион таълим технологияларининг моҳияти, мухим асослари билан танишади, касбий фаолиятда педагогик технологияларни самарали, мақсадли кўллаш малакаларига эга бўлади, таълим жараёнини оқилона лойиҳалаштиришга доир тажрибаларини янада бойитади. Шунингдек, тингловчилар педагогик инновацияларни асослаш, яратиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш йўлларидан хабарор бўлади, инновацион характерга эга муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиши малакаларини муваффакиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиш жараёнидага талабаларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда мухим аҳамият касб этади.

ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ

Режа:

1. “Компетентлик” ва “касбий компетентлик” тушунчаларининг моҳияти.
2. Касбий компетентлик сифатлари.
3. Педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантириш.

Таянч тушунчалар: компетентлик, касбий компетентлик, касбий компетентлик сифатлари, педагогик касбий компетентлик, “Индивидуал ривожлантириш дастури”, ўз-ўзини ривожлантириш, педагогнинг ўз устида ишлаши, педагогнинг ўз устида ишлаш босқичлари, ўз-ўзини баҳолаш.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Знание, 1996.
2. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004.
3. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.

I. “Компетентлик” ва “касбий компетентлик” тушунчаларининг моҳияти. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. *Хўши компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур?* Айни ўринда шу ва шунга ёндош фоялар юзасидан сўз юритилади.

“Компетентлик” (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юкори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи назардан компетентлик “ноанъянавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўнирма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, мухим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.


Касбий компетентлик куйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- мураккаб жараёнларда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда

Касбий компетенцияга эга мутахассис:

- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни ўзлаштиради;
- давр талабларини чукур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали кўллади

II. Касбий компетентлик сифатлари. Касбий компетентлик негизида қуидаги сифатлар акс этади (1-расм):



I-расм. Касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатлар

Куйида касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

1. Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўнинма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулокотга кириша олиш.

2. Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуидаги мазмунни ифодалайди:

a) **психологик компетентлик** – педагогик жараёнда соғлом психологик мухитни яратса олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулокотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

b) **методик компетентлик** – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга

мувофиқ танлай олиш, методларни самарали күллай олиш, воситаларни муваффақиятли күллаш;

с) **информацион компетентлик** – ахборот мухитида зарур, мухим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йигиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

д) **креатив компетентлик** – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш;

е) **инновацион компетентлик** – педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги гояларни илгари суриш, уларни амалиёттага муваффақиятли татбиқ этиш;

ф) **коммуникатив компетентлик** – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулокотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.


г) **Шахсий компетентлик** – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

х) **Технологик компетентлик** – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илфор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

і) **Экстремал компетентлик** – фавқулотда вазиятлар (табиий оғатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.


Бир қатор тадқиқотларда бевосита педагогга хос касбий компетентлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Ана шундай тадқиқотлар сирасига А.К.Маркова ва Б.Назаровалар томонидан олиб борилган изланишларни киритиш мумкин.

Ўз тадқиқотларида А.К.Маркова педагогнинг касбий компетентлиги қуидаги таркибий асослардан иборат эканлигини қайд этади. (2-расм):



*2-расм. Педагогик компетентликнинг муҳим таркибий асослари
(А.К.Маркова)*

Ўзбекистон шароитида ҳам педагогга хос касбий компетентлик, унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган бўлиб, улар орасида Б.Назарова томонидан олиб борилган тадқиқот ўзига хос аҳамият касб этади. Тадқиқотчининг фикрига кўра педагогга хос касбий компетентлик негизида қўйидаги таркибий асослар ташкил этади (3-расм):



*3-расм. Педагогик компетентликнинг муҳим таркибий асослари
(Б.Назарова)*


III. Педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантириш. Касбий (шу жумладан, педагогик) компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади.

Ўз устида ишлаш – шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий хамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши

Мутахассиснинг ўз устида ишлаши қўйидагиларда қўринади:

- касбий БКМни такомиллаштириб бориш;
- фаолиятга танқидий ва ижодий ёндошиш;
- касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш;
- ишchanлик қобилиятини ривожлантириш;
- салбий одатларни бартараф этиб бориш;
- ижобий сифатларни ўзлаштириш

Педагогнинг ўз устида ишлаши бир неча босқичда кечади.
Улар (4-расм):



4-расм. Педагогнинг ўз устида ишлаши босқичлари

Педагогнинг қўйидаги амалий ҳаракатлари мутахассис сифатида унинг ўз устида ишлашини ифодалайди:

- аниқ мақсад, интилиш асосида педагогик жараённи такомиллаштириш;
- педагогик жараён самарадорлигини, ўзининг ишчанлик фаоллигини ошириш;
- изчил равишда янгиланиб бораётган педагогик билимларни ўзлаштириш;
- илгор технология, метод ҳамда воситаlardан хабардор бўлиш;
- фаолиятига фан-техниканинг сўнгти янгилликларини самарали тадбиқ этиш;
- касбий кўникума ва малакаларини такомиллаштириш;
- салбий педагогик низоларнинг олдини олиш, бартаграф этиш чораларини излаш

Педагогларнинг ўз устиларида изчил, самарали ишлашларида фаолиятга лойиҳали ёндоша олишлари қўйл келади. Уларнинг лойиҳали ёндошув асосида қуидаги моделни шакллантира олишлари мақсадга мувофиқдир. Моделда ўз устида ишлаш босқичлари ва ҳар бир босқичда амалга ошириладиган вазифалар қайд этилади. Ҳар бир босқич учун белгиланган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши навбатдаги босқичга ўтиш имконини беради. Маълум босқич вазифалари ҳал этилгач, педагог бу ҳолатни алоҳида бандда қайд этади (1-жадвал):

1-жадвал.

Педагогнинг ўз устида ишлаш модели

| Босқичлар | Уларда амалга ошириладиган вазифалар | Қайдлар |
|-----------|--------------------------------------|---------|
| 1-босқич | | |
| 2-босқич | | |
| 3-босқич | | |
| 4-босқич | | |
| 5-босқич | | |

Педагогнинг касбий компетентликка эга бўлишида ўзини ўзи таҳлил қила олиши ҳам аҳамиятли саналади.

Ўзини ўзи таҳлил қилиш – педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари мөхиятининг ўрганилиши

Ўзини ўзи таҳлил қилиш орқали педагог ўзини ўзи объектив баҳолаш имкониятига эга бўлади. Зеро, педагогларнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлишида уларнинг ўз-ўзини баҳолаш малакаларига эгалиги ҳам мухимдир.

Ўзини ўзи баҳолаш (ЎЎБ) – шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши

Моҳиятига кўра ўзини ўзи баҳолаш субъект учун шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига объектив баҳо бериш, ўзидан қониқишини таъминлайди. Қолаверса, ўз-ўзини баҳолаш шахснинг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиши зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин шахсни бунга бевосита тайёрлаш мумкин. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби педагогнинг ҳам ўзини ўзи самарали баҳолай олишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Бир қатор омиллар мутахассис ёки шахснинг ўзини ўзи самарали баҳолашига сезиларли таъсир кўрсатади (5-расм):



5-расм. *Ўзини ўзи самарали баҳолаш омиллари*

Ўз-ўзини баҳолаш даражаси шахснинг ўз-ўзидан қониқиши ёки қониқмаслигини белгилаб беради. Бунда ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичлари шахс имкониятларига мос келиши лозим. Ўзини ўзи ошириб ёки пасайтириб кўрсатиш ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичларининг нотўғри бўлишига олиб келади.

Кўплаб манбаларда шахс томонидан ўз-ўзини баҳолаш куйидаги формула асосида аникланиши кўрсатилган:

**ҮҮБ = ютуқлар / ўзини юқори баҳолашга интилиш
(ёки ҮҮБ = Ю / ҮЮБИ)**

Формулага кўра, қандайдир ютуққа эришгач, шахс томонидан ўзини ўзи юқори баҳолаш (ютуқлар хиссасини ошириш) ёки ўзига нисбатан қўяётган талабларни пасайтириш рўй беради.

Бизнинг фикримизча, ҮҮБда холисликка эришишда қўйидаги формула ҳам қўл келади:

**ҮҮБ = ютуқлар / ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари
(ёки ҮҮБ = Ю / ҮҮРВ)**

Ушбу формула билан ишлашда педагог қўйидаги ўзини-ўзи баҳолаш моделига таяниб иш кўриши мумкин (2-жадвал):

**2-жадвал.
Ўзини-ўзи баҳолаш модели**

| № | Мавжуд ютуқлар | Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари |
|-----|----------------|-----------------------------------|
| 1. | | |
| 2. | | |
| 3. | | |
| ... | | |

Ушбу модел асосида ўз-ўзини баҳолаш ниҳоятда осон кечади. Борди-ю, эришилган ютуқлар сони ўз-ўзини ривожлантириш вазифаларига нисбатан кўп (1 дан катта) бўлса, у ҳолда педагог юқори даражада касбий компетентликни намоён этади. Борди-ю, ютуқлар ва белгиланган ўзини ўзи ривожлантириш вазифалари ўзаро (1 га) teng бўлса, у ҳолда у ўзида ўрта даражадаги касбий компетенликни ифодалайди. Агарда, ютуқлар сони белгиланган

ривожлантириш вазифаларидан кам (1 дан кичик ёки 0 га тенг) бўлса, у ҳолда педагогнинг касбий компетентлик даражаси паст хисобланади ва бу ҳолат педагогдан ўз касбий компетентлигини ривожлантиришга жиддий ўтибор беришини талаб қиласди.

Формулада “ўзини ўзи ривожлантириш вазифалари” жумласи қўлланилган экан, энг аввало, ўзини ўзи ривожлантириш нима эканлигини тушуниш олиш лозим.

Ўз-ўзини ривожлантириш – шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустакил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши

Бир қатор тадқиқотларда мутахассис, шу жумладан, педагогнинг ўз-ўзини ривожлантиришида “Индивидуал ривожланиш дастури” қўл келиши айтилади.

Индивидуал ривожланиш дастури (ИРД) – хар бир шахс ёки мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БКМ, касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган шахсий-амалий характердаги дастур

Ушбу дастурда касбий фаолиятни ташкил этиш учун зарур бўлган БКМ ҳамда касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш муддатлари белгиланади.

Хар қандай мутахассис каби педагог ҳам ўзи учун шахсий-амалий характерга эга “Индивидуал ривожланиш дастури”ни ишлаб чиқа олиши, у асосида педагогик фаолиятни йўлга қўйиши зарур.

Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури – мутахассис сифатида педагогнинг индивидуал равиша ўзида у ёки бу касбий-педагогик сифат, билим, кўникма, малакалар, касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжларига таянган ҳолда ишлаб чиқсан шахсий-амалий характердаги дастури

Педагог томонидан ишлаб чиқиладиган “Индивидуал ривожланиш дастури” куйидаги таркибий элементлардан таркиб топади:

- педагогик билимлар;
- психологик билимлар;
- мутахассислик билимлари;
- дидактик малакалар;
- тарбиявий ишларни ташкил этиш малакалари;
- руҳиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатлар;
- ўз-ўзини ривожлантириш максадлари;
- ўз-ўзини ривожлантириш учун топшириқлар

Куйидаги педагогнинг “Индивидуал ривожлантириш дастури”нинг намунаси келтирилади (3-жадвал):

3-жадвал.

Индивидуал ривожлантириш дастури

| Билим, малака ва шахсий сифатлар | Мавжуд даражада | Истиқбол вазифалар |
|----------------------------------|-----------------|--------------------|
| Педагогик билимлар | | |
| Психологик билимлар | | |

| | | |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|--|
| Мутахассислик билимлари | | |
| Дидактик малакалар: билишга оид (гностик) лойихалаш ижодий-амалий (конструктив) тадқикотчилик мулокотга кирувчанлик (коммуникатив) ташкilotчилик изчилликни таъминловчи (процессуал) техник-технологик малакалар | | |
| Тарбиявий ишларни ташкил этиш малакалари: билишга оид (гностик) лойихалаш малакалари ижодий-амалий (конструктив) тадқикотчилик мулoкотга кирувчанлик (коммуникатив) ташкilotчилик изчилликни таъминловчи (процессуал) техник-технологик малакалар | | |
| Рухиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатлар: педагогик фикрлаш тизимлилик мослашувчанлик мобиллик ижодкорлик ҳозиржавоблик хиссий ривожланганлик педагогик рефлексия | | |
| Ўз-ўзини ривожлантириш мақсадлари | | |
| Ўз-ўзини ривожлантириш учун топшириклар | | |

Педагогнинг касбий жиҳатдан ривожланиш даражасини яна
куйидаги шкала ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин (4-жадвал):

4-жадвал.**Касбий ривожланиш шкаласи**

| № | Касбий компетентлик сифатлари | Шкала кўрсаткичлари | | | | | | | | | |
|-----------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 10 | 9 | 8 | 7 | 6 | 5 | 4 | 3 | 2 | 1 |
| 1. Ижтимоий компетентлик | | | | | | | | | | | |
| 1) | ижтимоий ташкилотлар ва субъектлар билан ўзаро муносабатда бўла олиш кўникма, малакаларига эгалик | | | | | | | | | | |
| 2) | касбий мулокот ва хатти-ҳаракат услубларини ўзлаштира олганлик | | | | | | | | | | |
| 2. Шахсий компетентлик | | | | | | | | | | | |
| 1) | доимий равишда касбий ўсишга эришиш ва касбий малакани ошириб бориш | | | | | | | | | | |
| 2) | касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини рўёбга чиқара олиш | | | | | | | | | | |
| 3. Махсус компетентлик | | | | | | | | | | | |
| 1) | мустакил равишда касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш | | | | | | | | | | |
| 2) | одатий касбий-педагогик вазифаларни тўғри хал килиш ва ўз меҳнатининг натижаларини реал баҳолаш малакасига эгалик | | | | | | | | | | |
| 3) | мутахассислиги бўйича янги билим ва кўнимкамаларни мустакил равишда изчил ўзлаштириб бориш қобилиятига эгалик | | | | | | | | | | |
| 4. Технологик компетентлик | | | | | | | | | | | |
| 1) | касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларни бойитадиган илфор технологияларни ўзлаштириш қобилиятiga эгалик | | | | | | | | | | |
| 2) | замонавий дидактик воситалар (техник воситалар, ўқув куроллари)дан фойдаланиш малакасига эгалик | | | | | | | | | | |
| 5. Экстремал компетентлик | | | | | | | | | | | |

| | | | | | | | | |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|--|--|--|--|--|--|
| | | | | | | | | |
| 1) | фавқулотда холатларда (табиий оғатлар содир бўлганда, технологик жараён ишдан чикқандада) оқилона қарор қабул килиш, тўғри харакатланиш малакасига эгалик | | | | | | | |
| 2) | муаммоли вазиятларда (педагогик зиддиятлар юзага келгандада) оқилона қарор қабул килиш, тўғри харакатланиш малакасига эгалик | | | | | | | |

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида юзага келадиган кучли рақобатга бардошли бўлиш эҳтиёжи ҳар бир мутахассисни ўзида касбий компетентлик ва унга хос сифатларни таркиб топтиришга ундейди. Луғавий жиҳатдан “қобилият”, мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш” маъносини англатувчи компетентлик негизида муайян сифатлар намоён бўлади. Хусусан, педагогга хос касбий компетентлик негизида ижтимоий, маҳсус (психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ҳамда коммуникатив), шахсий, технологик ва экстремал компетентлик каби сифатлар акс этади. Бир қатор, хусусан, А.К.Маркова ҳамда Б.Назароваларнинг тадқиқотларида педагогик компетентликнинг таркибий асослари қайд этиб ўтилган. Педагогнинг касбий компетенцияси педагогик (ўқув ва тарбия) жараённи самарали, муваффакиятли ташкил этилишини таъминлайди. Касбий компетенцияга эга бўлиш учун педагог ўз-ўзини изчил ривожлантириб боришга эътиборни қаратиши зарур. Ўз-ўзини ривожлантиришда педагогга “Индивидуал ривожланиш дастури” кўл келади. Зоро, ушбу дастурда педагогда мавжуд бўлган компетентлик сифатлари ва ривожлантириш зарур бўлган сифат, БҚМни аниқ, холис ифодалаш мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. “Компетентлик” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. Касбий компетентлик нима ва у қандай ҳолатларда намоён бўлади?
3. Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади?
4. Ижтимоий ва маҳсус компетентлик деганда нимани тушунасиз?
5. Психологик ва методик компетентликнинг моҳияти нимадан иборат?
6. “Информацион компетентлик” деганда нимани тушунасиз?
7. Креатив ва педагогик компетентлик нима?
8. Инновацион компетентликнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда кўринади?
9. Педагогик фаолиятда коммуникатив компетентлик қандай аҳамият касб этади?
10. “Шахсий компетентлик” тушунчаси Сиз учун қандай маънони англатади?
11. А.К.Маркова педагогик компетентликнинг таркибий асосларини қандай ифодалаган?
12. Б.Назарованинг ёндошувига кўра педагогик компетентлик қандай асосслардан таркиб топади?
13. Индивидуал ривожланиш дастури нима?
14. Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастурида нималар акс этади?
15. Ўз-ўзини ривожлантириш деганда нимани тушунасиз?
16. Ўз устида ишлаш нима?
17. Педагогнинг ўз устида ишлаш моделида қандай ҳолатлар акс этади?
18. Педагогнинг ўз устида ишлаши қандай босқичларда кечади?
19. Ўзини ўзи таҳлил қилиш деганда нимани тушунасиз?
20. “Ўз-ўзини баҳолаш” тушунчаси қандай маънони англатади?
21. Шахснинг ўз-ўзини баҳолаши қандай омиллар негизида кечади?
22. Ўз-ўзини баҳолаш қандай формула ёрдамида ифодаланади?
23. Ўзини-ўзи баҳолаш моделида қандай ҳолатлар акс этади?

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Режа:

1. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ва уларнинг моҳияти.
2. Педагогнинг коммуникатив компетентлиги.
3. Таълим жараёнини самарали бошқариш ва педагогик низоларни ҳал этиш.
4. Замонавий педагог имиджи.

Таянч тушунчалар: маҳорат, педагогик маҳорат, педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари, педагогик билимдонлик, педагогик рефлексия, педагогик одоб, педагогик одобнинг асосий шакллари, педагогик обрӯ, педагогик қобилият, педагогик қобилият турлари, педагогик мулоқот маданияти, педагогик мулоқот турлари, педагогик мулоқот услублари, педагогик ҳамдардлик, педагогик релаксация, педагогик назокат (такт), педагогик тажриба, низо, педагогик низо, педагогик низо турлари, педагогик низоларни ҳал қилиш йўллари.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Мухиддинов А.Г. Ўқув жараёнода нутқ фаолияти. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
2. Сайидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т.: ОПИ, 2003.
3. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
4. Құдратов Т. Нутқ маданияти асослари / ОЎЮ учун ўқув кўулл. – Т.: “Педагог”, 1993.
5. Husanov B., G’ulomov V. Muomala madaniyati / Darslik. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2009.

I. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ва уларнинг моҳияти. “Педагогик маҳорат” тушунчаси ўтган асрнинг 80-90-йилларида илмий-педагогик жиҳатдан асосланиб, ОТМда мустақил фан сифатида ўқитила бошлаган. “Педагогик

технология” фани ўқитила бошлагач эса “Педагогик маҳорат” фанининг асослари унинг мазмунига сингдириб юборилди.

Педагог кадрларни қайта тайёrlаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида “Педагогик компетентлик ва ва креативлик асослари” модули негизида тингловчиларни педагогик маҳорат асослар билан таништириш мақсадга мувофиқдир. Зеро, тингловчилар томонидан педагогик маҳоратнинг таркибий элементлари билан таништириш, уларда педагогик техника, нутқ маданияти, педагогик деонтология, коммуникатив қобилият, педагогик низо, шунингдек, замонавий педагогнинг имиджи тўғрисидаги маълумотларнинг ўзлаштирилиши ва мазкур билимлар негизида зарур малакаларнинг ўзлаштирилиши ОТМда ташкил этиладиган педагогик жараён сифатини яхшилаш, самарадорлигини таъминлашни кафолатлайди.

“Педагогик компетентлик ва ва креативлик асослари” модули бўйича тингловчиларни педагогик маҳорат ва унинг таркибий элементлари билан таништириш жараённада куйидаги вазифалар ҳал қилинади: тингловчиларни педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларига доир назарий билимлар билан қуроллантириш; уларда педагогик фаолиятни оқилона ташкил этиш, педагогик жараённи самарали йўлга қўйиш кўнікма ва малакаларини ривожлантириш; тингловчиларнинг педагогик ва нутқ техникасига эга бўлишларини таъминлаш; уларда педагогик деонтология ва педагогик маданият сифатларини таркиб топтириш, педагогик қобилиятни ривожлантириш; тингловчилар томонидан педагогик мулоқот, педагогик назорат (такт) ва педагогик таъсир кўрсатиш малакаларини етарли даражада ўзлаштирилишини таъминлаш; уларда педагогик маданият сифатларини шакллантириш.

Олий таълим муассасалари педагогларининг касбий маҳоратлари ҳақида сўз юритишдан аввал “маҳорат” ва “педагогик маҳорат” тушунчаларининг моҳияти билан танишиб олиш мақсадга мувофиқдир.


Махорат (а. “маҳорат” – моҳирлик, усталик, эпчиллик) – бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш.

Педагогик маҳорат – педагогнинг педагогик жараённи ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ҳамда бошқариш қобилияти ва малакасига эгалиги

Педагогнинг маҳорати бевосита касбий-педагогик фаолиятда кўринади. Шу сабабли у педагогик жараённинг умумий моҳиятини чуқур англай олиши, бу жараёнда устувор аҳамият касб этадиган қонуниятлардан хабардор бўлиши, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш механизмларини пухта эгаллай билиши лозим.

Таълим жараёнининг фаол иштирокчиси бўлган педагогнинг педагогик маҳорати унинг шахси, иш тажрибаси, фуқаролик мақоми, мутахассис сифатидаги мавқеи, у томонидан педагогик техниканинг етарли даражада эгалланганлиги, касбий фаолиятнинг индивидуаллигидан далолат беради.

Педагогик маҳорат яхлит тизим бўлиб, унинг таркибида бир қатор сифатлар кўзга ташланади. Жумладан (6-расм):



6-расм. Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари

Педагогик маҳоратнинг асосини педагогик билимдонлик ташкил этади.

Педагогик билимдонлик – педагогнинг касбий фаолиятни мавжуд ижтимоий талаб, хукуқий меъёр ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, касбий тайёргарлик даражаси

Билимдон педагог мутахассис сифатида педагогик жараён ва муносабатларни мақсадга мувофиқ самарали шакл, усул ҳамда воситаларини етарли даражада ўзлаштира олган бўлиши зарур. Кўйидаги сифатлар билимдон педагогга хос саналади:

Билимдон педагогга хос сифатлар:

- ижтимоий субъектлар билан ўзаро алоқада, маданий мулоқотда бўлиш;
- мутахассислик йўналиши бўйича ахборотларни излаш, топиш, уларни таълим мазмунига таянган ҳолда қайта ишлаш ва касбий фаолият жараённида
- улардан самарали фойдалана билиш;
- ўкув ахборотларини талабаларга етказиб бера олиш

Педагогнинг касбий билимдонлигига талаба билан субъектив муносабат ўрната олиш; педагогик жараёнлар моҳияти, педагогик воқеликни изчил идрок кила билиш; жаҳон педагогик маданияти асосларини ҳамда миллий педагогик тажрибани ўрганиш, уларни интеграциялаштириш асосида ўз фаолиятига татбиқ этиш; инновацион янгиликлар билан доимий хабардор бўлиш; шахсий тажрибаларни умумлаштириш ва талабаларга узатиш; касбий фидоийлик ҳамда педагогик технологияларни эгаллаш борасидаги БКМнинг ўзлаштирилганлиги намоён бўлади.

Педагогик билимдонлик негизида, яна шунингдек, *педагогик рефлексия* (лот. “reflexio” – ортга қайтиш, акс этиш) ҳам кўзга ташланади. Манбаларда “рефлексия” тушунчаси “кишининг ўз

хатти-харакатлари ва уларнинг асосларини тушуниб этиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида фаолияти”, “шахсий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва ўй-хаёллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш” сифатида талқин этилади.

Педагогик рефлексия – педагогнинг шахс онги моҳияти, вазифалари, қадриятлари, кизиқишилари, рағбатлантирувчи омиллар, фикрлаш, идрок, қарорлар қабул килиш, хиссий таъсиrlаниш, хатти-харакатлари ва бошқаларнинг моҳиятини англаб этиши

Педагог фаолиятида унинг одоби ҳам яққол акс этади. Қолаверса, педагогик одоб таълим ва тарбия жараёнлари муваффақиятини таъминловчи муҳим талаф ҳамда омиллардан бири саналади.

Педагогик одоб – педагог олдига унинг ўзига, касбига, жамиятга, талабаларга ва ўқув-тарбия жараёнининг бошқарувчига муносабатда бўлишига нисбатан қўйиладиган ахлоқий талаблар тизими


Мазкур талаблар педагог томонидан ташкил этиладиган педагогик меҳнат фаолият жараёнини бошқарувчи муҳим омил ҳисобланади.

Педагог одоб талабларининг тизими педагог томонидан касбий бурчни адо этиш, жамият, педагогик жамоа ва талаба олдидағи ахлоқий мажбуриятларини бажаришида ўзига хос аҳамият касб этади.

Педагогик одобга қўйиладиган талаблар – ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган педагогик меҳнат, фаолият жараённида бажарилиши шарт бўлган вазифалар

Педагогик одоб талабларининг тизими ўқитувчи томонидан касбий бурчни адо этиш, жамият, педагогик жамоа ва талаба олдидағи ахлоқий мажбуриятларини бажаришида ўзига хос

аҳамият касб этади. Педагогик одоб педагогик ахлоқ ва педагогик жараёнда намоён бўладиган ахлоқий қадриятлар каби асосий категорияларнинг моҳиятини ёритишда етакчи ўрин тутади. Педагог фаолиятида ҳам барча умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятлар етакчи ўрин тутади. Шундай бўлса-да, педагогик одоб сирасида педагогик қарашларни, педагогик фаолият ва муносабатни ифодаловчи муҳим категориялар асосий ўринни эгаллайди (7-расм):



7-расм. Педагогик одобнинг асосий шакллари

Педагогик одобнинг асосий шакллари қуидаги мазмунга эга:

1. Касбий-педагогик бурч. Эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик, тўғрисўзлик ва ёлғончилик, раҳмдиллик ва шафқатсизлик, кўнгли оқлик ва кўнгли қоралик, ватанпарварлик ва ватанфурӯшлик, тинчлик ва уруш каби умуминсоний ахлоқий қадриятлар инсонлар ҳаёти, турмуш тарзи ва хатти-ҳаракатларида ўзига хос ўлчов бўлиб хизмат қиласди. Педагогик фаолиятда ҳам педагог ушбу қадриятларни улуғлай олиши, уларга таянган ҳолда фаолиятни ташкил этиши лозим. Шунингдек, ҳар бир педагог касбий-педагогик бурчини тўла англай олиши, уни адо этиш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил эта билиши зарур. Педагог томонидан жамият, унинг аъзолари, педагогик ва талабалар жамоаси олдида қандай вазифаларни бажариши зарурлигини, касбий-педагогик бурчни бажаришда қандай тамойилларга таянишни аниқ белгилаб олиниши ҳам шахс, ҳам мутахассис ва фуқаро сифатида ўз мавқеини мустақил белгилаш имкониятини яратади. Агарда у ўз касбий фаолиятини мавжуд ахлоқий

тамойилларга мувофиқ ташкил эта олса, у ҳолда ўз-ўзига бўлган хурмати ортади, ўз кучига ишонч пайдо бўлади. Бу эса педагогни янгидан янги ютуқларни қўлга киритишига рағбатлантиради. Агарда борди-ю, педагог касбий-педагогик бурчини англаса-да, бироқ, уни мавжуд ахлоқий талабларга мувофиқ ташкил эта олмаса, у ҳолда, энг аввало, ўзига бўлган хурматни йўқотади, ўзини шахс сифатида юқори баҳолай олмайди.

2. Педагогик адолат. “Адолат тушунчаси муайян тарихий шарт-шароит ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан белгиланади. Адолатнинг ахлоқий жиҳати инсонлараро муомалада бир хил муносабатда бўлишни, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилишиликни билдиради”. Қолаверса, адолат инсоний қадр-қиммат билан унинг жамият томонидан тан олинганлиги, мавжуд ахлоқий қоида ва мажбуриятлар ўргасидаги ўзаро мутаносибликни тавсифлашга хизмат килади. Педагогик адолат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у педагогнинг педагогик жараёнга объектив, ҳаққоний ёндаша олиши, унинг талabalар хулқ-атворини жамоа олдидаги хизматларига мувофиқ баҳолаш олишдаги ахлоқий тарбияланганлик даражаси (эзгу ишлари, қатъяти, жиддийлиги, инсонийлиги)ни ифодалайди.

3. Педагогик мажбурият (педагогик деонтология). Педагогик одобнинг муҳим категорияларидан бири бўлган – педагогик мажбурият тушунчасида жамият томонидан ўқитувчи шахсига, у томонидан бир қатор педагогик мажбуриятларнинг бажарилишига нисбатан қўйиладиган талаб ва ахлоқий йўл-йўриқ, кўрсатмаларни ўзида жамлайди. Педагог касбий фаолиятни ташкил этишда қуйидаги мажбуриятларни бажара олиши зарур: муайян меҳнат вазифаларини, асосан, ақлий меҳнат вазифаларини амалга ошириш; талabalар, уларнинг ота-оналари, ҳамкаслар билан ўзаро муносабатни тўғри ташкил этиш; танлаган касбига, талabalар ва педагогик жамоага ҳамда жамиятга бўлган шахсий муносабатини чукур англаш. Педагогик мажбуриятлар сирасида, яна шунингдек, касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий муносабатда бўлиш, ўзига нисбатан талабчаник, касбий билимларини бойитиб ва педагогик малакасини оширишга интилиш, талabalар ва уларнинг ота-оналари билан ўзаро хурматга асосланган ва талабчан муносабатни ўрнатиш, мураккаб педагогик

низоларни изжобий ҳал қилиш күнімаларини ўзлаштириш кабиларни ҳам күрсатып зуруп.

4. Педагогик обрў. Педагогнинг педагогик обрўга эга бўлиши у томонидан ташкил этиладиган касбий фаолият самарадорлигини кафолатлайди.

Педагогик обрў – педагогнинг талабалар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа, шунингдек, жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий мақоми

Педагогик ўзи томонидан қозонган обрўга таяниб, талабаларнинг хулқ-авторларини бошқаради, уларнинг ишончларини қозонади. Педагогик обрў педагогнинг маънавий-ахлоқий ва педагогик-психологик тайёргарлигини ҳам ифодалайди. У эга бўлган обрў даражасини унинг чукур билими, заковати, маҳорати, ўз ишига бўлган муносабати ва бошқалар белгилайди.

Педагогик қобилияят. Педагогик жараённинг қанчалик самарали, муваффакиятли ташкил этилиши ўқитувчининг педагогик қобилияйтга эгалигига боғлиқ. Манбалардан бирида “қобилияят” тушунчаси шундай шарҳланади: шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият. Қобилияят умумий ва маҳсус қобилиятлар тарзида икки гурухга ажратилади. **“Умумий қобилиятлар** шахс фаолиятининг асосий турларида намоён бўлса, касбий фаолиятнинг айрим турларида намоён бўладиган қобилиятлар (математик, техник, мусиқа, тасвирий санъат, адабиёт (поэзия ва проза), жисмоний тайёргарлик ва бошқалар) **маҳсус қобилиятлар** деб юритилади... Қобилиятнинг етакчи хусусиятларидан бири – нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир”.

Педагогик қобилияят – педагог томонидан педагогик фаолиятни оқилона ташкил этилиши ва олиб борилишини, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган хусусиятлар

Педагогик қобилиятта хос устувор хусусиятлар қуидагилар саналади:


- педагогик тект (педагогнинг талабалар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамоилилар, хулк-атвор қоидаларга риоя қилиши,
- уларга тўғри ёндошиш малакаларига эгалиги);
- педагогик кузатувчанлик (педагогнинг талабаларга хос бўлган ҳатто энг оддий хусусиятларни ҳам пайқаб олиш қобилиятига эгалиги);
- талабаларга бўлган мухаббат (уларга меҳр қўйиш, меҳрибонлик кўрсатиш, ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, хаётни интилишлари билан ўртоқлашиш, улар учун кийин бўлган вазиятларда ғамхўрлик қилиш);
- билимларни узатишга бўлган эҳтиёж (педагог сифатида ўзидағи мавжуд билимларни талабаларга беришга интилиш)

Ф.Н.Гоноболин педагог шахсида қуидаги қобилияtlарнинг намоён бўлишини мухим деб ҳисоблайди:

- ўқувчини тушуна олиш қобилияти;
- ёш, психологик жиҳатдан барча ўқувчилар ўзлаштира оладиган материалларни тақдим эта олиш қобилияти;
- ўқувчиларнинг қизиқишиларини ривожлантириш қобилияти;
- ташкилотчилик қобилияти;
- педагогик тект;
- ўз ишининг натижаларини кўра олиш ва б.

В.А.Крутецкий педагогга хос қобилияtlарни умумлаштириб, уларнинг турлари қуидаги эканлигини кўрсатиб ўтади (8-расм):

Асосий турлари



8-расм. Педагогик қобилият турлари (В.А.Крутецкий)

Замонавий шароитда ҳар бир ўқитувчи ўзида қуйидаги педагогик қобилиятларни тарбиялай олиши керак:

- 1) мuloқotта киришувчанлик;
- 2) хиссий сезгирилк (касбий зийраклиқ, бошқаларга хамдард бўла олиш, ички сезгига эга бўлиш);
- 3) харакатчанлик, таълим жараёни иштирокчиларига иродавий таъсир кўрсатиш ва ишонтириш қобилиятига эгалик;
- 4) хиссий барқарорлик (ўз-ўзини тута билиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш);
- 5) келажакни мақбул ҳолда башоратлай билиш;
- 6) касбий мустакиллик, ижодий қобилияйтга эгалик


Қобилиятли педагогларда қуидаги ноёб қобилияtlар хам кўзга ташланади:

- бир вақтнинг ўзида бир неча фаолиятни бажара олиш (м: эшитиш, кўриш, ўқиш, ёзиш, фикр юритиш, мuloқot килиш ва б.);
- атрофида кечаётган икки ёки бир неча воқеликни бирдек қабул қилиш (бир талабанинг маъruzасини эшитгани ҳолда, бошқа талабаларнинг фаолиятларини кузата олиш);
- ўта кизиқувчанлик (табиат ва жамиятда кечаётган ҳар бир вокеа-ходиса (гарчи улар энг аҳамиятсиз, эътиборга ташлан-майдиган бўлса-да) моҳиятини билишга интилиш, ҳаддан зиёд кўп саволларга жавоб топишга интилиш);
- мия фаолиятининг биокимёвий ва электрик фаоллиги (мия деярли тўхтовсиз фаолият кўрсатиб, ниҳоятда кам вақт “дам олади”, билиш жараёнида ноаникликлар кўзга ташланса, улар тезда бартараф этилади; уйқучанлик қобилияtlи педагогларга хос хусусият эмас);
- нутки ва фантазиясининг бойлиги (қобилиятли ўқитувчиларнинг аксарияти ниҳоятда бой нутққа эга, уларда фантазия (тасаввур қилиш) қобилияти бекиёс даражада кучли);
- кучли хотира (йирик ҳажмдаги матнни, м: достонларни бир марта ўқиш билан тўлалигига ёдлаб олиб, уни сўзма-сўз қайта хикоя қилиб бериш қобилияти)га эгалик

Ўқитувчиларнинг педагогик қобилияtlари муайян шароитлара намоён бўлади. Улар:

- дарсга тайёргарлик кўриш жараёни;
- дарс лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёни;
- таълим жараёни;
- ўкувчиларнинг фаолиятларини назорат қилиш жараёни;
- ўкувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларини баҳолаш жараёни;
- дарсдан ва таълим муассасасидан ташқарида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш жараёни;
- маънавий-маърифий ишларни ўтказиш жараёни;
- ахборот соатларини ташкил этиш жараёни;
- ҳар бир ўкувчига ва гурух жамоасига ёндошув жараёни;
- ота-оналар билан мuloқотда бўлиш жараёни;
- ҳамкаслар билан мuloқотда бўлиш жараёни;
- таълим муассасасининг раҳбарияти билан мuloқотда бўлиш жараёни;
- шахсий фаолиятни таҳжил қилиш жараёни;
- ўз устида ишлаш жараёни ва б.

Ўқитувчига хос қобилиялар орасида перцептив қобилият ҳам муҳим аҳамиятга эга (9-расм):



9-расм. Перцептив-педагогик қобилият турлари

Перцептив-педагогик қобилият ўзида уч турдаги сезирликтин қамраб олади. Улар:

- (
- объектни хис этиш;
 - мөър ва ёндошувни хис қилиш;
 - дахлдорликни хис қилиш.
-)

Ўқитувчиларда перцептив-педагогик қобилиятларнинг мавжуд даражаси педагогик интуицияни шакллантиришга хизмат қиласи.

Интуиция (лот. “*intuitio*” < “*intueri*” – “синчиклаб, иқкат билан қарамоқ”) –мантикий боғланмаган ёки мантикий хulosага келиш учун далиллар етарли бўлмагандан чукур мулоҳаза юритиш асосида масалани ечишнинг таркибини бўлган эврестик (унумли ижодий фикрлаш) жараёни

Педагогик интуиция – ўқитувчининг педагогик жараёнда ўзаро мантикий боғланмаган ёки, мантикий хulosага келиш учун далиллар етарли бўлмаган чукур мулоҳаза юритиш асосида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ечишга қаратилган эврестик фикрлаш жараёни

Интуиция маълум белгиларга кўра оддий мулоҳазадан фарқ қиласи. М:

- (
- тезкорлик, баъзан лаҳзада шаклладиган фараз ва масаланинг ечими;
 - фараз ва масала ечимининг етарли даражада мантикий асосланмаслиги;
 - “ижобий” интуиция карор қабул қилишда намоён бўлади;
-)

Ўқитувчига хос бўлган ташкилотчилик қобилияти унинг фаолиятида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Ташкилотчилик қобилияти – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўлиб, таълим ва тарбия жараёнларини педагогик талабларга мувофиқ ташкил эта олиш, ўқувчилар жамоасини самарали бошқаришни таъминловчи индивидуал психологик хусусият

Ўқитувчининг ташкилотчилик қобилиятга эгалиги қўйидағиларда намоён бўлади:

- педагог фаолиятини тўғри ташкиллаштириш;
- ўқувчилар жамоасини самарали бошқариш;
- жамоани мустаҳкам жиспешлаштира олиш;
- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини муваффакиятли бошқариш;
- ўқувчиларда илмий билимларни ўзлаштириш кўникма, малакаларини шакллантира билиш;
- дарс жараённида вақтни тўғри, оқилона тақсимлаш ва режани самарали, тўлақонли бажариш;
- ўқувчилар билан индивидуал ишларни изчил ташкил этиш;
- гурӯх жамоаси билан доимий равишда жамоавий ёки гурухли ишларни олиб бориш;
- ўқувчиларни таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига қатъий риоя этишга одатлантириш;
- ўқувчиларга уларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятларни инобатга олган ҳолда ўқув ва ижтимоий топширикларни бериш;
- ўқувчиларнинг дикқатини муваффакиятли бошқариш;
- ўқувчилар ўртасида қизгин баҳс-мунозарани ташкиллаштириш ва уни самарали бошқариш;
- дарсларда ўйин технологияларидан фойдаланиш ва унда барча ўқувчиларнинг бирдек фаол иштирок этишларига эришиш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолликларини самарали ошириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш;
- ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорликда тарбиявий ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш

Ўқитувчига дидактик қобилиятга эгалиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дидактик қобилият – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўлиб, таълим жараёнини ҳеч бир қийинчиликсиз, осонлик билан ташкил этилишини таъминловчи индивидуал психологик хусусият

Моҳиятига кўра ўқитувчининг дидактик қобилиятга эгалиги қуидагиларда намоён бўлади:

- ўқув материалини мақсадга мувофиқ танлай билиш;
- таълим мақсадини аниқ белгилай олиш;
- таълимий вазифаларни оқилона белгилаш;
- ўқув материаларини аниқ, осон тушунтириш;
- ўқувчиларда фанларга қизиқишни уйғота олиш;
- ўқувчиларда ўқув фаолигини кучайтира билиш;
- ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўнкимларини шакллантира олиш

Ўқитувчига хос қобилияtlар орасида конструктив қобилияти-нинг ҳам ўз ўрни мавжуд.

Конструктив қобилият – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўлиб, ўқув машғулотлари ёки тарбиявий тадбирларни методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштириш, якуний натижаларни кўлга киритишга имкон берувчи самарали йўл ва воситаларни топишга имкон берадиган индивидуал психологик хусусият

Бу каби қобилиятга эгалиги ўқитувчи томонидан педагогик жараённи ташкил этишда муҳим хусусиятга эга бўлиб, унинг негизида қуидагилар намоён бўлади:

- алоҳида-алоҳида маълумотлардан фойдаланган ҳолда яхлит ўқув ва тарбиявий характердаги материални шакллантириш;
- ўқув материалини турли расм, сурат, жадвал, диаграмма, модел ва бошқалар билан бойитиш;
- ўзига хос, оригинал ўқув материалини тайёрлаш;
- мустақил равишда янги методни асослаш;
- ўқув машғулоти ва тарбия тадбир учун қўрсатмали куроллар тўпламини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик паспорти, харитасини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирда фойдаланиш учун мультимедия материалларини яратиш;
- ўқув материалининг тақдимот вариантини тайёрлаш;
- турли мавзулардаги тарбиявий тадбирлар учун ўқувчиларнинг фаол иштироқида видео роликлар яратиш;
- дарс конспектини тайёрлаш;
- турли шакл ва методларга асосланган синов топшириқлари (савол, топшириқ, масала, мисол, машқ, тест), баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- назорат ишларини ташкил этишга ижодий ёндошиш

Замонавий шароитда шахсларро мулоқот ва унинг самарали ташкл этилиши ўзига хос аҳамият қасб этмоқда. Касбий фаолияти моҳияти ва давр талабига кўра ўқитувчиларнинг коммуникатив қобилияйтга эгаликлари долзарблиқ қасб этади.

Коммуникатив қобилияят – ўқитувчининг талабалар, ота-оналар, ҳамкаслар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал хусусияти

Ўқитувчининг конструктив қобилияйтга эгалиги қўйидагиларда намоён бўлади:

- ўқувчилар, ота-оналар, таълим муассасаси раҳбарияти, ҳамкаслар билан мулокотда турли шакл, методлардан фойдаланиш;
- педагогик амалиётнинг барча иштирокчилари билан амалий, ишчанлик ёки шахсий муносабат ўрнатиш;
- ўқувчиларга маълумотларни етказишининг самарали йўл ва воситаларини топиш;
- топшириқлар юзасидан ўқувчининг шахсий фикрларини тинглай билиш;
- педагогик жараёнларда юзага келадиган низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш ёки ривожлантириш;
- ўқувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш;
- жамоада соглом ракобатга асосланган мухитни карор топтириш;
- ўқувчиларнинг фаолиятларини рағбатлантириш;
- ўқувчи жавобидаги хато ёки хатти-харакатидаги камчиликларга муносабат билдириш;
- ўқувчилар билан таълимий ҳамкорликка эришиш

Касбий фаолиятни ташкил этишда ўқитувчининг англаш қобилиятига эгалиги ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Англаш қобилияти – таълим ва тарбия жараёнининг моҳияти, қонуниятлари, ўқувчиларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, таълим иштирокчилари ўртасидаги муносабат мазмуни, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш шартлари ҳамда кутиладиган натижаларни англашга имкон берадиган ўқитувчиларга хос индивидуал психологик хусусият

Ўқитувчининг англаш қобилиятга эгалиги қўйидагиларда намоён бўлади:

- таълим ва тарбия жараёнининг моҳияти тушуниш;
- педагогик фаолиятда таълим, тарбия қонуниятларига таяниш иш кўриш;
- ҳар бир ўқувчини шахс сифатида тушуна олиш;
- ўқувчиларнинг ёш, психологик ҳамда шахсий хусусиятларини кўра билиш ва оқилона баҳолай олиш;
- ўқувчилар билан мулоқотни ташкил этиши шартларидан хабардор бўлиш;
- таълим иштирокчилари ўртасидаги низоларни моҳиятига кўра баҳолаш;
- ижобий низоларни ривожлантира билиш;
- салбий низоларни ўз вактида англаш ва уларни бартараф эта олиш;
- рагбатлантириш ва жазолашнинг ўқувчиларга таъсирини муносиб баҳолаш;

Ўқитувчининг педагогик қобилияtlари орасида билиш қобилиятига эгалик ҳам касбий фаолиятни ташкил этишда муҳим ўрин тутади.

Билиш қобилияти – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўлиб, таълим жараёнининг иштирокчилари – ўқувчилар, отаоналар, ҳамкаслар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал психологик хусусият

Ўқитувчининг билиш қобилиятига эгалиги қўйидагиларда намоён бўлади:

- жамоанинг ижтимоий-психологик ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ўқув-тарбиявий вазифаларни аниқ белгилаш;
- ўқув-тарбия жараёнини дидактик, психологик ва методик жиҳатдан режалаштириш ва таҳлил қилиш;
- таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларни асосли равишда танлай олиш;
- ўқувчилар томонидан ўқув дастури талабларидан келиб чиқсан ҳолда материалларни ўзлаштирганлик натижаларини, ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини аниқлай билиш;
- ўқувчиларнинг билишга бўлган қизикиш, эҳтиёж ва фаолликларини ривожлантириш бўйича турли кўринишдаги ишларни олиб бориш;
- дарсда, дарсдан ташкари шароитларда, куни узайтирилган гурухларда, тўғарақ, клуб ёки жамиятларда турли тарбиявий ишларни олиб бориш;
- ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан индивидуал ишларни амалга ошириш;
- ўқувчиларда соғлом турмуш кечиришга бўлган эҳтиёжни шахсий ва умумий гигиенага амал қилиш кўнкимларини, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш малакаларини шакллантириш;
- таълим жараённида турли кўрсатмали қуроллар, замонавий техник воситалар, ахборот ва илғор педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш;
- дидактик материал ва кўрсатмали қуролларни ишлаб чиқиш;
- ота-оналарни педагогик билимлар асослари, болаларнинг асосий ёш хусусиятлари, психологик ўзига хосликлари, турли ёш босқичларида фарзандлар билан ота-оналар ўртасида кечадиган муносабатлар моҳиятидан хабардор қилиш;
- ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ва шахсий фаолиятда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш

Аксарият ўқитувчиларда касбий характерга эга қобилияtlар билан бирга ноёб қобилияtlарга ҳам намоён бўлади.

Ноёб қобилияtlар – шахсга хос индивидуал психологик хусусиятнинг шундай тури бўлиб, у жуда кам сонли шахслардагина кузатилади ва кўп учрайдиган психологик ходиса саналмайди


Маҳоратли ўқитувчиларда қуидаги ноёб қобилиятлар ҳам кўзга ташланади:

- бир вактнинг ўзида бир неча фаолиятни бажара олиш (м: эштиши, кўриш, ўқиш, ёзиш, фикр юритиши, мулоқот қилиш ва б.);
- атрофида кечаётган икки ёки бир неча воқеликни бирдек қабул қилиш (м: бир ўқувчининг маъruzасини эшитгани ҳолда, синфдаги бошқа ўқувчиларнинг фаолиятларини кузата олиш);
- ўта қизикувчанлик (табиат ва жамиятда кечаётган ҳар бир воқеа-ходиса (гарчи аҳамиятсиз бўлса-да) моҳиятини билишга интилиш, хаддан зиёд кўп саволларга жавоб топишга интилиш);
- мия фаолиятининг биокимёвий ва электрик фаоллиги (мия тўхтовсиз фаолият кўрсатади, ниҳоятда кам вақт “дам олади”, билиш жараённида ноаниқлклар кўзга ташланса, улар тезда бартараф этилади;
- кам ухлаш хусусиятига эгалик;
- нутқ ва фантазиянинг бойлиги;
- кучли хотира (йирик ҳажмдаги матнни, м: достонларни бир марта ўқиш билан тўлалигига ёдлаб олишб, уни сўзма-сўз қайта ҳикоя қилиб бериш қобилияти)га эгалик

Ўқитувчининг касбий шакллантиришда педагогик қобилиятни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.


Педагогик қобилиятни ривожлантириш – мутахассис сифатида факат педагог (ўқитувчи)ларгагина хос бўлган қобилиятларни янада бойитиш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитни яратиш

Мутахассис сифатида касбий шаклланишда ўқитувчининг ўзида педагогик қобилиятни ривожлантиришда қуидаги шакллардан фойдаланиши максаддага мувофиқдир (10-расм):



10-расм. Педагогик қобилиятни ривожлантириши шакллари

Ўқитувчи ўзида касбий фаолиятни самарали ташкил этишга ёрдам берадиган қобилияларни ривожлантиришда муайян шакллардан фойдаланиш билан бирга бу жараёнда маълум методларни ҳам кўллаш орқали мақсадга эришади. Ушбу методлар куйидагилардир (11-расм):




11-расм. Педагогик қобилиятни ривожлантириши методлари

II. Педагогнинг коммуникатив компетентлиги. Педагогга хос бўлган маҳорат асосини ташкил этувчи педагогик муроқот маданияти унинг талабалар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар ҳамда раҳбарият билан уюштириладиган муроқот жараённида намоён бўлади. Бунда, айниқса, педагогнинг талабалар жамоаси билан ўзаро муроқоти мухим аҳамиятга эга. Педагог талабалар билан муроқотга киришиш, унинг самарали бўлишига интилади.

Педагогик мулокот маданияти – педагогнинг талабалар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар, раҳбарият билан педагогик одоб ҳамда мулокот талабларига мувофиқ ҳолда ўюштириладиган сұхбати

Педагогик мулокот қуидаги йўналишларда ташкил этилади (12-расм):



12-расм. Педагогик мулокот йўналишилари

Педагогик мулокот руҳий-психологик таъсир кучига эга. Шу сабабли уни ташкил этишда мулокот жараёнининг ижобий бўлишини таъминлаш педагогнинг зиммасига катта масъулиятни юклайди. Агарда тўғри ташкил этилган педагогик мулокот талабада кўркувнинг юзага келиши, ишончсизликнинг туғилиши, дикқат, хотира ва иш қобилиятининг сусайиши, нутқ меъёрининг бузилиши кабиларга сабаб бўлса, аксинча, назарий-педагогик ва амалий жиҳатдан тўғри ташкил этилган мулокот юқоридаги ҳолатларнинг аксини келтириб чиқаради. Натижада талабаларда ўқишига ва мустақил ўрганишга, фикрлашга бўлган қизиқиш ортади.

Педагогик мулокот ўзига хос ижтимоий-психологик жараён ҳам саналади. Мазкур жараёнда қуидаги вазифалар бажарилади (13-расм):



13-расм. Педагогик мулокот жараёнда бажариладиган вазифалар

Мулокот жараённан талаба томонидан билдирилаётган фикрлар, унинг қарашлари шахсни яқиндан ўрганиш учун имконият яратади. Талаба шахсини яқиндан билиш, унинг ички кечинмалари, ўй-фикрлари, хис-түйгүлари, орзу-умид, максад ва ҳаётый интилишларидан хабардор бўлиш педагогик жараённинг методик, руҳий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини таъминлайди. Зеро, бу жараёнда педагогик талаба шахсига хос ёш, психологик ва шахсий хусусиятларни инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этади.

Мулокот жараённадаги ахборот алмашинуви талабанинг ўзаро ижтимоий жараёнлар, шахс камолотининг кечишига доир маълумотлар алмашишини таъминлайди. Педагог ва талabalар ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш эса ҳар қандай вазиятда ҳам улар ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви самарали рўй беришини учун шароит яратади. Бу жараёнда педагог талабаларнинг энг яқин маслаҳатчиси, йўлбошчиси ва раҳбарига айланади. Мулокот чоғида талabalар томонидан ўз шахсини, “мени”ни, қадр-кимматини етарлича баҳолаш ва ўз олдидарига ҳаётый максадларни қўйган ҳолда олға интилишларини таъминлашга жиҳдий эътибор қаратиш лозим. Мулокот жараённан ахборот алмашиб вазифасининг ҳал қилиниши қўйидаги воситалар асосида рўй беради:


- 1) нутқ;
- 2) паралингвистик тизим (юн. “pará” – “яқин”, мулокот таркибида сўзли, ғоявий маълумотларни сўзсиз воситалар билан узатилиши);
- 3) экстралингвистик тизим (ингл. “exterior” – “ташқарида”, немисча “lingüistik” – гапираётган шахс томонидан нутқнинг бевосита ижтимоий вазифалар билан боғлиқ ҳолда ташкил этиши – нутқий танаффуслар, кулгу, йўталиш, нафас олиш, йиғлаш, тутилиш ва б.);
- 4) мулокотнинг ташкилий кўлами ва вақти;
- 5) кўз қарашлар ёрдамида ташкил этиладиган алоқа;
- 6) белгиларнинг оптик-кинетик тизими (мимика, пантомимика, жестлар – қўл ва оёқ харакатлари)

Педагог раҳбарлиги ёки унинг йўл-йўриклари, кўрсатмаларига асосан ўқув машғулотлари ва тарбиявий ишларни ташкил этишда ҳам мулокот муҳим аҳамият касб этади. Айни шу вактда

мулоқотнинг фаолиятни ташкил этиш вазифасини намоён бўлади. Яқин-яқингача фаолиятни ташкил этишда педагогнинг етакчилиги, унинг бевосита раҳбарлиги устувор омил бўлган бўлса, замонавий шароитда роллар алмашинуви етакчи ўринга чиқди. Эндиликда аксарият ҳолларда талабаларнинг ўзлари таълим ва тарбиявий жараёнларни мустақил уюштириш имкониятига эга бўлдилар. Бироқ, бу дегани, таълимий ва тарбияйи ишларни ташкил этиш даврида педагогнинг ўрни ва роли мутлақо акс этмайди, дегани эмас. Педагог бу жараёнда раҳбар, етакчи, маслаҳатчи, эксперт сифатида намоён бўллади ва талабаларни педагогик жараёнларни илмий-назарий, ташкилий-методик жиҳатдан тўғри уюштиришга йўналтиради.

Педагогик мулоқотни ташкил этишда, айниқса, педагог ёрдамига муҳтож ўқувчиларга алоҳида эътибор бериши, ҳар бир ўқувчида турли ўқув фанлари асосларини ўзлаштиришга нисбатан кизиқтириш усусларини, ҳамкорлик ва ижодкорликка асосланган меҳнатни ташкил этишни олдиндан ўйлаб қўйиши лозим.


Миллий ва жаҳон таълими амалиёти педагог, ўқитувчилар томонидан ташкил этилаётган мулоқотни бир неча турга ажратиш мумкинлиги кўрсатади. Улар қўйидагиларир (14-расм):



14-расм. Педагогик мулоқот турлари

Ўқитувчилар ўз фаолиятларида мулоқотнинг муайян турларига таяниб иш кўради. Қолаверса, педагог томонидан жамоа билан мулоқотни уюштириш техникасини доимий равишда таҳлил қилиб

бориш максадга мувофиқдир. Маълум вазиятларда педагог раҳбар сифатида талабалар фаолиятларини бошқаради. Бу жараёнда ҳам мулоқот етакчи омил ҳисобланади. Бироқ, мулоқотнинг самарадорлиги раҳбар сифатида намоён бўлаётган педагог томонидан қандай мулоқот услубининг танланганлиги билан белгиланади. Одатда, педагогнинг раҳбар сифатидаги мулоқот усуллари қуидаги уч турга ажратилади (15-расм):



15-расм. Педагогик мулоқот услублари

Педагогик мулоқот услублари қуидаги мазмунга эга:

1. Авторитар услуг. Бунга кўра талабалар томонидан барча турдаги фаолиятнинг ташкил этилиши, мазмуни, шакли, метод ва воситаларининг барчаси факат педагог томонидан белгиланади. Талабаларнинг ҳар қандай ташаббуслари рағбатлантирилмайди, аксинча, буйруқ, кўрсатма, йўлланма бериш, шунингдек, жазолаш чораларини кўриш орқали талабаларга таъсир этилади. Ҳатто талабаларнинг фаолиятлари ижобий баҳоланган вақтда ҳам уларга бўлган таъсир турли кесатиқлар билан баён этилади. Яъни: “Сендан ижобий хатти-ҳаракатни кутмаган эдим?!”, “Буни қара-я, наҳотки ўзгарган бўлсанг!?!”, “Қара-я, биргина аъло баҳо олиш билан ўзингни яхши инсон бўлиб қолган деб ҳисоблайсанми!?” ва ҳ.к. мазмундаги рағбатлар, улар асли ижобий ҳолатни эътироф этишга йўналтирилган бўлса-да, талабани янги ютуқларига илҳомлантиrmайди. Аксинча, унда таълим олишга, таълим муассасасига ва педагогларга нисбатан совуққонликни юзага келтиради.

2. Демократик услуг. Унга кўра педагог педагогик фаолиятни ташкил этишда жамоанинг фикрига таяниб иш кўради. Ўкув машғулотлари ва тарбиявий ишларни ташкиллаштиришда ҳар бир талабанинг фикрини инобатга олишга, уларни умумлаштирган

холда энг самаралисини танлаб олишга интилади. Мухокамалар чогида барча талабаларнинг иштироклари таъминланади. Талабалар томонидан билдирилаётган ташаббуслар кўллаб-кувватланади, мавжуд имкониятлардан келиб чиқсан холда бу ташаббуслар амалиётга татбик этилади. Бу услубдан фойдаланаётган педагог зиммасидаги вазифа фақатгина талабаларнинг фаолиятини назорат қилиш, тузатишлар киритишдан иборат эмаслигини англаб етади. Асосий эътиборни талабаларнинг ютукларини эътироф этган холда ёки уларнинг хатоларини ўзларига англатган холда самарали тарбия чорасини кўришга қаратади. Хар бир талабанинг ютуғи алоҳида эътироф этиладики, бу эса уларни янги зафарларга эришишга руҳлантиради. Ушбу услуга асосланиб иш кўрадиган педагог ҳар бир талабанинг қизиқишлиари ва қобилиятларини ҳисобга олган холда бажариладиган ишларни тўғри тақсимлашга ҳаракат қиласи, фаол талабаларни тақдирлаб боришни фаолиятининг асосий ўйналиши сифатида белгилайди. Педагог талабалар билан мулоқотни ўрнатишда илтимос, маслаҳатга таяниб иш кўради.

3. Либерал услуб. Одатда бу услуб педагог ва талаба муносабтларининг келишувчанликка асосланишини таъминлайдиган услуб сифатида эътироф этилади. Бу услуга кўра иш юритадиган педагог талабалар томонидан содир этилаётган салбий ҳолатларга ҳам эътибор бермасликка интилади. Талабаларни тартибга чақириш, вазиятдан келиб чиқсан холда уларнинг фаолиятини тўғри баҳолаб, жазолаш зарур бўлган вазиятларда ҳам индамасликни одат қилиб олади. Бу эса талабаларнинг одобсиз, ялқов, масъулиятсиз бўлишларига олиб келади. Либерал услубни маъқул кўрадиган педагог талабалар ҳаёти билан мутлақо қизиқмайди, уларнинг фаолиятларига аралашмайди, ҳал қилувчи вазиятларда масъулиятни ўз зиммасидан соқит қиласи. Айрим ҳолатларда бир-бирига зид бўлган фикрларни ҳам бирдек маъқуллайди. Бу таҳлитда иш кўрадиган педагог обрўга эга бўлмайди. Чунки унга ишониш мумкин эмас.

Педагогик фаолиятни ташкил этишда педагогнинг нафақат ўзи, балки унинг ижобий таъсири асосида талабалар ҳам мулоқот маданиятини ўзлаштириб боришлари лозим.

Мулокот маданияти – мулокот жараёнини ахлоқий меъёrlар, ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этиш асосида сухбатдошни тушуна олиш эҳтиёжи ва қобилиятига эгалик

Таълим амалиёти педагогик мулокот жараёнинда ўқитувчилар томонидан қуидаги камчиликларга йўл қўйилишидан далолат беради:

- эҳтиётсизлик;
- шахсиятпарастлик;
- сухбатдошни ортиқча мажбурлаш;
- сусткашлик;
- ўзини жуда юқори ёки паст қўйиш;
- ҳаддан ташқари жонбозлик кўрсатиш

“Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида, ишлаб чиқариш муносабатларининг жадаллашуви, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида янги технологияларнинг жорий этилиши ва шу каби қатор омиллар инсон руҳиятига олдингиларига қараганда кўпроқ жисмоний, руҳий зўриқишлир бермоқда”. Педагог фаолиятида руҳан ёки жисмонан толиқкан талабаларда руҳий ҳамда жисмоний чарчоқларни бартараф этишга ҳам эътибор қаратиш талаб қилинади. Мазкур талаб салбий руҳий омиллар таъсири кучайган, катта ҳажмдаги ахборотлар билан тўқнашиш рўй берәтган мавжуд шароитда айниқса муҳим аҳамият касб этади. Талабаларда руҳий ва жисмоний толикишларни бартараф этишга қаратилган педагогик фаолият “релаксопедия” (лот. “relaxation” – қувватсизлик, заифлашиш, руҳан ёки жисмонан ҳолда тойиш; ҳолдан тойишни бартараф этиш педагогикаси) деб номланади. Сўнгги йиллар жаҳон таълими амалиётида ушбу педагогика имкониятидан кенг фойдаланилмоқда.

Педагогик релаксация – талабаларнинг ҳиссий фаолияти, руҳий-жисмоний қуввати ва ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш

Мураккаб вазиятлар (имконияти чекланган, фанларни ўзлаштира олмайдиган ёки тарбияси оғир талабалар билан ишлаш)да

релаксопедиянинг педагогик, психологик имкониятларидан ўринли, мақсадли, самарали фойдаланиш кутилган натижаларни беради. Релаксация шароитида бугунги кунда кенг оммалашган тренинг ва автотренинглар ижобий мухитнинг ҳосил бўлишини таъминлайди. Улардан фойдаланиш вақтида талабалар ташқи ва ички таъсирлардан ҳимояланган бўлиб, уларга фақатгина педагогнинг ишонтирувчи овозгина эшитилади. Бу эса педагогнинг таъсири ва унинг самарасини янада оширади.

Релаксация жараённида талабалар педагогнинг қўллаб-куватлашларини ҳис этишлари, унинг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлишлари, ҳамдарлигини ҳис қилишлари лозим. Шундагина талабалардаги руҳий зўриқиши, жисмоний толикишларни бартараф этиш учун психологик мухит юзага келади.

Мушаклар релаксацияси (яъни мушакларни бўшаштириш) даврида ўз-ўзини ишонтириш ва ахборотга таъсирчанлик юкори бўлади. Шунинг учун ҳам ўз-ўзини ишонтиришга йўналтирилган тренинг ва автотренингларни ухлаш ва уйқудан туришдан олдин қўллаш самарали ҳисобланади. Мушаклар релаксациясининг самарали кечиши учун ўқитувчи мушакларни бўшаштиришга ёрдам берадиган метод ва воситалардан хабардор бўлиши даркор.

Талабаларнинг руҳий зўриқиши ва жисмоний толикишларини бартараф этиш мақсадида релаксация асосларини назарий жихатдан ўзлаштриб қолмай, улардан амалий жихатдан фойдаланишни ҳам билишлари зарур.

Коммуникатив таъсир кўрсатиш – талабалар билан мулокотда бўлиш, уларга тўғри ёндошиш, педагогик назокат билан уларга тарбиявий, иродавий ва ҳиссий таъсир этиш

Юкорида айтиб ўтилганидек, маҳоратли педагог фаолиятида педагогик назокат (такт) ҳам ўзига хос ўрин тутади:

Педагогик (назокат) такт – педагогнинг талабалар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулокотда мавжуд ахлоқий тамойиллар, хулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндошиш малакаларига эгалиги

Педагогик тект педагог фаолиятига ғоявий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мос келадиган педагогик ахлоқнинг бевосита татбиқ этишнинг шакли сифатида намоён бўлади. **Тект (даҳлдорлик)** – ахлоқий хулқ-атвор, хатти-харакат бўлиб, ўзида барча объектив ҳаракатларнинг оқибати ва уларнинг шахс томонидан субъектив қабул қилишни аввалдан кўра олиш, белгиланган мақсадга осонроқ эришиш йўлларини излашнинг намоён бўлишини ифодалайди. Педагогик тект ўз моҳиятига кўра ижодий изланишни талаб этадиган амалий ҳаракатdir.

Педагогга хос бўлган педагог тектнинг асосий таркибий элементлари сифатида куйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- 1) шахсга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- 2) юксак талабчанлик;
- 3) сухбатдошли қизиқиш билан тинглай олиш ва унга нисбатан қайгуриш малакаси;
- 4) руҳий барқарорлик, дадиллик ва оғир вазминлик;
- 5) муносабатлар жараёнида ишонч билан сўзлай олиш;
- 6) қатъиятлилик (қайсарлик эмас);
- 7) талабаларга нисбатан эътиборли ва хушёрга бўлиш

Талабаларга педагогик маҳорат асосларига доир билимларни беришда уларда педагогик тектнинг қуйидаги элементларини тарбиялашга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқdir:

- талаба шахсини ҳурмат қилиш ва унга нисбатан талабчанлик;
- турли фаолият бўйича талабаларда мустақилликни ривожлантириш ва уларнинг ишларига оқилона педагогик раҳбарлик қилиш;
- талабанинг руҳий ҳолатига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, унга нисбатан юксак идрок билан изчил талаблар қўйиш;
- талабаларга ишониш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиб бориш;
- улар билан мулокотни ташкил этишда ўзини оқлаган ишchan ва хиссий характерга эга муносабатларни қўшиб олиб бориш

Педагогнинг педагогик тектга эгалиги унинг юриш-туриши, вазминлиги, ўзини тута билишида намоён бўлади. Ушбу сифат

талабага ишонч билан қарашни назарда тутади. Талабага ишончсизлик билан қараш педагогнинг педагогик тактга эга эмаслигини ифодалайди. Ҳар қандай педагогик низо ёки зиддиятларнинг асосида педагогнинг педагогик тактга эга эмаслиги ётади. Ҳар қандай қўполлиқ, кесатик ва койишлар, талабаларни доимий равишда танқид қилиш, уларга ишончсизлик билдириш педагогик низоларни келтириб чиқаради. Педагогик такт, шунингдек, педагогнинг талаба жавобини дикқат билан тинглашида, жавобнинг мазмунига алоҳида эътибор қаратишида, борди-ю, талаба хатога йўл қўядиган бўлса, уни босиклик, вазминлик билан тўғрилашда, талаба фаолиятини ҳаққоний, оқилона баҳолашда, қўйилган баҳонинг моҳиятини изоҳлашда намоён бўлади. Бу жараёнда жавоб берадётган талабага жилмайиш, турли имо-ишоралар билан, бошни қимирилатиш, юз ифодалари, қўл харакатлари билан унинг жавобларини маъқуллаб туриш педагогик фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Маҳоратли педагог талабалар фаолиятини баҳолашда эҳтиёткор бўлиши лозим. Зеро, нотўғри қўйилган баҳо талаба шахсига салбий таъсир кўрсатиб қолмай, балки унинг ўқишига бўлган қизиқишини сўндиради. Талабалар фаолиятини баҳолашда В.А.Сухомлинскийнинг педагогик тажрибасига таяниб иш қўриш мақсадга мувофиқидир:

1. Ўқувчига амалий ёндошиш (“Ўқувчи бўлгандан кейин ўқиб келиш керак-да” тарзида эмас), балки унга шахс сифатида муносабатда бўлиш (“Ўқувчим, энг аввало, шахс, бола, сўнгра эса ўқувчи. Мен унга қўядиган баҳо унинг билими ўлчови эмас, балки менинг унга нисбатан инсоний муносабатимдир” тарзида ёндошиш).

2. Ҳар бир баҳо ўқувчини келажакка ишонч руҳида тарбиялаши зарур; у ўқувчининг меҳнатини рағбатлантириши, бироқ, унинг дангасалиги ва қобилиятсизлиги учун жазо воситаси бўлмаслиги зарур.

Айтиб ўтилганидек, педагогик такт (назорат) ёрдамида муайян вазифалар ҳал қилинади.

Педагогик назокат ёрдамида ҳал этиладиган вазифалар – педагогик назокат ўқитувчининг ўқувчилар, ота-оналар, васийлар ва ҳамкаслар билан бўладиган мулоқотида салбий ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш, муайян ютукларга эришиш йўлида ҳал қилинадиган мақсадли ишлар

Педагогик назокат ёрдамида қўйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- талабалар, ота-оналар, васийлар ва ҳамкаслар
- билан бўладиган мулоқот самараали ташкил этилади;
- мулоқот жараёнида турли низолар келиб
- чиқишининг олди олинади;
- мулоқот иштирокчилари ўртасида ўзаро
- ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик қарор топади;
- мақсадлар бирлигига эришилади

Ўқитувчи фаолиятида педагогик тактика мухим аҳамият касб этади.

Педагогик тактика – ўқитувчининг ўқувчилар, ота-оналар, васийлар ва ҳамкаслар билан бўладиган педагогик муносабатлари жараёнида кўзланган мақсадга эришиш учун олиб бориладиган курашнинг муайян шароитга мос йўл, шакл, метод ва воситалари

Педагогик фаолиятни ташкил этишда ўқитувчи педагогик тактикани ишлаб чиқар экан, унда таълим жараёни иштирокчиларига муносабати (ёқтириш ёки ёқтирмаслик) мазмунини кўриб чиқади.

Ёқтириш (симпатия; юон. “sympatheia” – майл, ҳавас, ички кизикиш) – бир шахснинг иккинчи шахсга, муайян субъектлар гурухига ёки қандайдир ижтимоий ҳодисага нисбатан изобий хиссий муносабати.

Ёқтирмаслик (антисимпатия; юон. “antipatheia” – ёқтирмаслик, хуш кўрмаслик) – бир шахснинг иккинчи шахсга, муайян субъектлар гурухига ёки қандайдир ижтимоий ҳодисага нисбатан салбий хиссий муносабати

Ёктириш ҳамиша хайрихоҳлик, хушмуомалалик, завқланишни ифодалайди, шахсни мулоқотга, эътибор кўрсатишга ва кўмак беришга ундаиди. Ёктиримаслик эса гина-кудуратни, кек-адоватни, ичиқораликни, баҳилликни, нафратни ифодалайди, шахсни мулоқотдан қочишга, атрофдагиларга нисбатан ёмонлик қилишга, ҳеч бўлмагандага уларнинг кўнглини оғритишига ундаиди

Мутахассис сифатида ўқитувчи ўз фаолиятида таълим жараёнининг иштирокчиларига ёктиримаслик позициясида туриб, муносабатда бўлишга ҳақли эмас. Унинг учун таълим жараёнининг иштирокчилари “севимлилар” ва “севимсизлар” каби икки гурухга ажратилмаслиги зарур.

Ўқитувчининг фаолиятида, аксинча, унинг ҳамдардлик (педагогик ҳамдардлик) туйғусига эга бўлиши мақсадга мувофиқ саналади.

Ҳамдардлик (эмпатия; юон. “empatheia” – ҳамдардлик, қайгуар дош бўлиш) – бир шахснинг у томонидан иккинчи шахснинг фикрлари, хоҳиш-истаклари, қизиқишилари, интилишларининг ҳис этилиши, тушунилиши, қабул қилинишини ифодаловчи муносабати

Ўз моҳиятига кўра ҳамдардлик ҳам туйғулари қабул қилинаётган шахсга ёрдам кўрсатишга интилишни ифодалайди, шахсларни бир-бирига яқинлаштиради, улар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва бирликни қарор топтиради.

Педагогик ҳамдардлик – педагогик жараёнда ўқитувчининг у томонидан таълим жараёни иштирокчилари (талаба, ота-оналар, ҳамкаслар, раҳбарлар ва б.)нинг фикрлари, хоҳиш-истаклари, қизиқишилари, интилишларининг ҳис этилиши, тушунилиши, қабул қилинишини ифодаловчи муносабати

Ўқитувчининг педагогик ҳамдардлик (педагогик эмпатия)га эгалиги қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

- талабалар, ота-оналар, ҳамкаслар ва раҳбарларнинг хатти-харакатлари, хиссиётлари, хаётий интилишлари, табиатларини тушуниш, бошқалар нуктаи назарини маъқуллаш асосида жамоадаги муносабатларни меъёрда ташкил этилишини таъминлаш;
- ўзгаларнинг ички ҳолатини, ўй-фиркаларини ва ҳис-туйғуларини тушуна олиш;
- бошқаларнинг бошига тушган кулфат, фалокатлардан қайғуриш;
- ролларни қабул қилиш – оғир вазиятда бўлган кишиларнинг ўрнига ўзини тасаввур, мушоҳада ёрдамида кўйиб кўрган ҳолда улардаги ижобий ҳис-туйғуларини қайта тиклашга кўмаклашиш;
- ўзгаларнинг қайғу-аламларидан, кулфатларидан қайғуриш, кўнгилни кўтарувчи, таскин берувчи сўзлар билан оғир вазиятда қолган кимсаларга ижобий таъсир кўрсатиш

Педагогик маҳоратнинг муҳим белгиларидан бири бўлган педагогик техника ўз навбатида ўқитувчининг юқори техник малакаларга эгалигини ҳам англалади.


Педагогик техника – педагог томонидан ўзлаштирилган алоҳида талабага ҳамда таълим олувчилар жамоаларига педагогик таъсир кўрсатиш методларини амалда самарали кўллай олиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Педагогик техника асосларини муваффақиятли ўзлаштириш педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унга эришиш педагогика, психологияк ҳамда амалий тайёргарлик бўйича маҳсус билимларга эга бўлишни талаб қиласди. Педагогик техникани ўзлаштиришда ўқитувчи ўқувчи ҳулқ-атвори, хатти-харакатларининг ташки белгиларга кўра унинг ички ҳолатини белгилай олиш малакасига эга бўлиши ниҳоятда муҳимdir.

“Педагогик техника” тушунчаси қуидагиларни ифодалайди:

- 1) педагогнинг ўз дикқати ҳамда ўқувчилар дикқатини максадли бошқариш;
- 2) педагогик фаолиятда жараённинг, ўқувчилар ҳаракатининг суръатини ҳис қилиш

Ўқитувчи фаолиятида унинг педагогик техникага эгалиги куйидагиларда намоён бўлади (16-расм):



16-расм. Педагогик техника турлари

Ўқитувчининг педагогик маданиятга эгалиги, педагогик техника асосларини пухта ўзлаштира олганлиги унинг юз ифодаси, эркин, вазмин ҳаракатлари, гавдани тўғри тута билиши, йифинчоқлиги, имо-ишоранинг табиийлиги, ўкувчиларга нисбатан эътиборида яққол акс этади.

Педагогик жараёнда ўқитувчи юзини ўринсиз, қўпол тарзида буриштирмаслиги, пала-партишликка йўл қўймаслиги, имо-ишораларнинг сунъий бўлишидан сақланиши, маъносиз бўлишига йўл қўймаслиги зарур.

Зеро, буларнинг барчаси ўқитувчининг ўкувчи олдида ҳурмат қозона олмаслигига олиб келади. Ёш ўқитувчилар педагогнинг ҳатто синф хонасига, аудиторияга қандай кириши, ўкувчи, талабаларга назар ташлаши, саломлашиши, стулни суриши, шахсий буюмлари (сумка ёки қофоз солинган йифмажилларни қаерга, қандай қўйиши, хона бўйлаб юриши, ёзув тахтасидан фойдаланишдаги ҳаракатлари, ўкувчи, талабалар билан мулоқотда ўзини қандай тутиши ва бошқа ҳаракатларнинг катта тарбиявий таъсир кучига эга эканлигини ёдда тутишлари зарур

Вазмин, хушмуомала, ўзига ишонган педагог фаолиятининг илк босқичлариданоқ ўқувчилар меҳрини қозона олади. Бунинг учун ўқитувчи, энг аввало, ўз ҳиссий ҳолатларини, туйғуларини бошқара олиши керак. Педагогнинг ўқувчилар билан мулокоти расмий характерга эга. Қолаверса, у ўқувчилар, уларнинг отоналари, ҳамкаслари ҳамда таълим муассасаси ва юкори бошқарув органларининг назорати остида фаолият юритади. Бу эса жисмоний толиқиши, рухий зўриқиши, ўз-ўзига нисбатан ишончсизликни ва тангликни келтириб чиқаради. Натижада ўқитувчининг нутқи қатъийлик касб этмайди, овозда нуқсонлар кўзга ташлана бошлайди, оёқ ва қўллар толиқади. Бу каби салбий ҳодисаларнинг келиб чиқмаслиги учун ўқитувчи ўзини дарс бошланишидан аввал таълим жараёнинг руҳан тайёрлаши, бу жараёнда юзага келиш эҳтимоли бўлган турли салбий ҳолатларга ўзини психологик нуқтаи назардан тайёрлаши, имкон қадар рухий барқарорликка эришиши талаб қилинади.

Ўқитувчи педагогик жараёнга ўзини руҳан тайёрлашда куйидагиларга эътибор бериши лозим:

- ўзига, ўз имкониятларига ишониш;
- хушмуомала бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш;
- ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш (мускуллар зўриқишини бартараф этиш, қоматни ростлаш, ҳаракатларни тўғрилаш, нутқининг равон, аниқ бўлишига эътибор қаратиш ва тўғри нафас олишни ўзлаштириш);
- ақлий ва жисмоний меҳнатни ташкил этишда ўзаро уйғунликка эришиш, муайян даврларда ҳордиқ чиқариш (меҳнат ёки мусиқа ёрдамида дам олиш, бадиий асарларни ўқиш, яқинлар, дўстлар билан хазил-мутойбани ташкил этиш);
- педагогик жараённинг муваффақиятли, самарали кечишига ўзини ўзи ишонтириш;
- қасбий фаолиятни катта иштиёқ, кўтаринки кайфият билан ташкил этишга интилиш;
- турли салбий рухий омиллар организмига, рухий ҳолатига, хатти-ҳаракатларига, ўқувчилар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчиларига нисбатан муносабатига таъсир этишига йўл қўймаслик;
- салбий рухий омиллар ва жисмоний ҳолатларни бартараф этиш учун тренинг ва автотренинглардан самарали фойдаланиш малакасини ўзлаштириш

Рухий барқарорликка эришиш муайян шартлар асосида кечади. Бу ўринда В.А.Сухомлинский рухий барқарорликка эришишнинг асосий шартлари қуйидагилар эканлигини таъкидлайди:

- кош-қовокни уюб юрмаслик;
- бошқаларнинг камчиликлари, нуқсонларини ошириб кўрсатмаслик;
- ҳазил-мутойба мойил бўлиш;
- хушмуомала бўлиш ва келажакка ишонч билан қарашиб

Ўқитувчи томонидан ўзлаштириладиган педагогик техника негизида пантомимика ўзига хос ўрин тутади.

Пантомимика – гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати, у педагог томонидан баён этилаётган муайян фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум қиёфа орқали гавлантиришига имкон беради

Одатда ўқитувчининг тўғри тутилган, чиройли қадди-қомати унинг шахс сифатида намоён бўлишини таъминлайди. Қолаверса, бу ҳолат унинг ўзига, шахсий имкониятларига бўлган ишончи юқорилиги, шахс сифатида ўзини қадрлай олиши, ўзига ўзи юқори баҳо беришини ҳам ифодалайди. Бошнинг қуи эгилганлиги, қўлларнинг осилиб туриши ўқитувчининг ички заифлиги, ўзига ўзи ишончсизлигидан далолат беради.

Узлуксиз талим тизимининг барча босқичларида таълим олувчиларга гавдани тўғри тутишни, эркин ҳаракатланишни, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута билишни, йиғинчоқликни ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Олий таълим муассасаларида талабаларда ушбу сифатларни хосил қилиш эса уларни касбий фаолиятга рухий тайёрлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Талабаларга, энг аввало, гавдани тўғри тутиб туриш ўргатилади. Бунда оёқлар елка кенглигига (икки оёқ оралиғи 12-15 смни ташкил этиши лозим), ўнг оёқ бир оз олдинда туриши мақсадга мувофиқдир. Зоро, шундагина тана оғирлиги ҳар икки

оेққа бирдек тушиши билан бирга узок вакт (деярли 30-30, олий таълим муассасаларида эса 60-70 дақиқа) толиқмай туришни таъминлайды. Ўқитувчининг ҳаракатлари имкон қадар оддий ва эркин бўлиши лозим. Ўзини ўзи мажбурлаб, айрим камчиликларни йўқотиш мақсадида сунъий, зўрма-зўраки ҳаракатларни содир этишнинг ҳожати йўқ.

Ҳаракатлар қанчалик самимий ва имкон қадар оддий бўлса, ўқувчиларда ўқитувчига бўлган ишонч, ҳурматни шунчалик оширади. Гавдани олдинга-орқага тебратмаслик, ҳадеб тана оғирлигини бир оеқдан иккинчи оеққа ўтказмаслик, стул суюнчигига ёки кафедра (олий таълим муассасаларида маъруза ўқиши учун ажратилган жиҳоз)га бутунлай суюниб олмаслик, бошни ёки қулоқни қашламаслик, бурунни артмаслик, кўзни ишқаламаслик, кўлда бирор буюмни айлантирмаслик ўқувчига қанчалик завқ берса, унда ўқитувчига нисбатан хайриҳоҳликни уйғотса, уларнинг аксини содир этиш ўқувчининг гашини келтиради. Дарс жараённанда ўқитувчи, шунингдек, гавдаси ҳаракатининг босик, ортиқча ҳаракатлардан ҳоли бўлишига эътибор қаратиши, ортиқча силкиниш ва кескин ҳаракатларни содир этишдан ўзини тута олиши зарур.

Педагогик жараёнда ўқитувчи юз ифодаси (мимика) ва жестлар орқали ҳам талабаларга самарали таъсир кўрсатади.

Мимика – юз мускулларининг ҳаракатлари орқали ўз фикри, ҳис-түйгулари, кайфиятини, шунингдек, мавжуд воқеликка нисбатан муносабатини ифодалаши

Имо-ишора (гавда, қўл ва оеқ ҳаракатлари) – муайян ҳодиса ёки объектга нисбатан муносабатнинг гавда, қўл ва оеқ ҳаракатлари ёрдамида ифодаланиши

Инсоният қадим-қадимдан ўзаро муносабат ва мулокотларни ташкил этишда турли жестлардан ўринли ва самарали фойдаланиб келган. Зеро, имо-ишоралар инсоннинг ҳиссиётлари, ички кечинмалари ва ижтимоий борлиқка бўлган муносабатини сўзсиз ифодалаш имкониятига эга. М: ўнг қўл чап кўкрак устига кафтлар ёйилган ҳолда қўйилса, бу ҳолат “Сизга ҳурматим чексиз”, ўнг

қўлнинг кафтлари очиқ ҳолда кўрсатилса, “Жим бўлинг！”, “Бас қилинг！”, қўл мушт қилиб тугилса, “Қойил қилдим！” ёки “Қойил қиласман！” каби маъноларни англатади.

Жуда қадимдан инсон юз ифодаси ва қараши атрофдагиларга сўздан қўра кучли таъсир қилиши аниқланган. Шу сабабли қадимги Рим ва Юнонистонда нотиқларнинг нафақат сўздан, шу билан бирга мимика, пантомимика ва жестлар (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари)дан самарали фойдалана олишларига эътибор қаратилади.

Бугунги кунда ҳам ривожланган мамлакатларда сиёсатчиларнинг юкорида қайд этилган ҳаракатлар бўйича малакаларни ўзлаштира олишларига жиддий эътибор қаратилади.

Ўқитувчи томонидан мимика, пантомимика ва жестлар (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари)дан самарали фойдалана олиш малакатларини самарали ўзлаштира олиши унинг меҳнатини қисман енгиллаштириш билан бирга, талабаларга таъсир кўрсатишида муайян муваффакиятларни кўлга киритишига имконият яратади.

Мимика, пантомимика ва жестлар узатилаётган ахборотнинг ҳиссий аҳамиятини оширади, унинг пухтароқ ўзлаштирилишини таъминлайди. Кўзлар ҳам юз ифодасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли кўзлар ёрдамида турли маъноларни ифодалаш малакаларини ўзлаштира олиш ҳам маҳоратли педагог бўлиш учун ниҳоятда зарур.

Ўқитувчи ўз фаолиятида педагогик техникага хос методларни қўладайди.

Педагогик техника методлари – педагог томонидан талабаларнинг у ёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига ўзининг субъектив муносабат, алоҳида ҳистиёгуларни маъноли ифодаланишини англатувчи методлар

Моҳиятига кўра педагогик техника методлари қўйидаги гурухларга ажратилади (17-расм):



17-расм. Педагогик техника методларининг гурухлари

Агарда ўқитувчининг кайфияти ёмон бўлса, уни қандайдир муаммолар безовта қилса, олдида турган педагогик муаммолар ўйлантираётган бўлса, у бу ҳолатларни яшириб турга олиш, ошкор қиласликни уддасидан чиқиши даркор. Бу каби салбий ҳолатларни очиқ ҳавода пиёда сайр қилиш, табиат қўйнида, айниқса, сув ҳавзаларининг бўйларида дам олиш, қизиқарли китобларни ўқиш орқали мавжуд руҳий зўрикишларни бартараф қилиш мумкин. Юз ифодаси ва ҳаракатлар фақатгина таълим мақсадига, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга йўналтирилиши зарур. Ўқитувчи юз мускүлларини ва кўзларини тез-тез ҳаракатлантиришдан, уларнинг бирдай котиб қолишидан эҳтиёт бўлиши керак. Ўқитувчи нигоҳи ўкувчиларга қаратилган бўлиши, бевосита кўриш алоқасини вужудга келтира

олиши зарур. Девор, дераза ва шипга қараб туришдан сақланиши, аксинча, барча ўқувчиларни диққат марказида ушлаб туриш мухим.

Ўқитувчи ўз фаолиятида педагогик техника методлари билан бирга педагогик техника воситаларидан ҳам фойдаланади.

Педагогик техника воситалари – педагог томонидан ўқувчиларнинг у ёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига нисбатан субъектив муносабат, алоҳида ҳис-түйғуларнинг маъноли ифодаланишини таъминловчи воситалар

Моҳиятига кўра педагогик техника воситалари нутқ ва оғзаки бўлмаган мулоқот жараёнида кўлланиладиган воситалар саналади.


Педагогик амалиётда ёш ўқитувчиларнинг педагогик техникасида қўйидаги жузъий камчиликлар учрайди:

- 1) ўқувчи ёки унинг ота-онаси билан сидкидилдан сўзлаша олмаслик;
- 2) газабни тўхтата олмаслик ёки уни ўз ўрнида ишлата олмаслик;
- 3) ўзида ишончсизликни енга олмаслик;
- 4) нутқни равон баён эта олмаслик;
- 5) ортиқча қаттиқкўллик;
- 6) хушмуомала бўлишдан кўркиш;
- 7) жуда тез гапириш (айниқса дарсларда);
- 8) ортиқча ҳаракат ёки бир жойда қотиб қолиш, кўлларини қаерга кўйишни билмаслик;
- 9) ўз гавдасини тутишда муайян камчиликларга йўл кўйиш (буқчайиб, ерга қараб юриш, ўринсиз кулиш, ортиқча ҳаракат, кўлида турли жисмларни айлантириб юриш);
- 10) монотон – бир оҳангда сўзлаш, нутқнинг зерикарлилиги, жонли эмаслиги;
- 11) ифодали ўқиши, сўзларни аник, тўгри талаффуз қила олмаслик (нотўғри дикция), синф хонаси, аудитория учун зарур товуш баландлигини белгилай олмаслик.

Ўқитувчининг ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишида унинг нутқи ҳам ҳал қилувчи омиллардан бири саналади.

Ўқитувчи нутқи – педагогнинг таълим-тарбия жараёнида тил воситаларидан фойдаланиши

Ижтимоий муносабатларни ташкил этишда нутқнинг монолог, диалог, полилог шаклларидан фойдаланилади. Ўқитувчи фаолиятида ҳам нутқнинг айнан мана шаклларидан фойдаланиш ҳолатлари кузатилади (18-расм):



18-расм. Ўқитувчи нутқининг асосий шакллар

Ўқитувчи синфда оғзаки нутқнинг турли шаклларидан фойдаланади. Қуий синфларда кўпроқ нутқнинг диалог ва полилог шакли самаралидир, чунки бу босқичда таълим сухбат усули асосланади. Монологик нутқдан ўқитувчи ҳикоя, тасвир, таъриф, тавсиф характеридаги мавзуларни баён этишда фойдаланади. Монологик нутқ юқори синфларда ижтимоий, гуманитар фанлар – фалсафа, сиёсатшунослик, педагогика, психология, социология, маданиятшунослик, “Миллий истиқлол гояси”, “Маънавият асослари”, тарих, хукуқ ва адабиёт фанларини ўқитишида қўлланилса, диалог шаклидаги нутқ она тили, чет тили, математика, физика, биология, география, информатика ва ахборот асослари фанлари бўйича ташкил этиладиган дарсларида қўл келади. Ўрганилаётган мавзунинг моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда

ўқитувчи хар бир дарсда оғзаки нутқнинг барча шаклларидан ўринли, мақсадли фойдаланиши мумкин.

Ўқитувчи мавзулар бўйича материалларни ўқувчиларга етказиб беришда уларнинг хулқларига самарали таъсир этиш мақсадида кўз, қош, қўл, юз, бош, кафтлари ёрдамида муайян харакатларни амалга оширади. Унинг бундай харакатлари тасдик ёки инкорни ифодалаши мумкин. Ўқитувчи томонидан содир этилаётган харакатлар ўринли бўлса улар сўзсиз педагогик таъсир жараёнини кучайтиради. Бироқ, бу каби харакатларни ўринисиз, тез-тез содир этавериши ўқувчиларнинг дикқатларини сусайтиради, уларни зериктириб кўяди. Педагогик жараёнда ўқитувчининг таъсирини кучайтирадиган омиллардан бири – унинг овози, унга хос бўлган хусусиятлар саналади. Ўқитувчи овозининг ёқимли ва жарангдор бўлиши ўқувчилар эътиборини ўзига тўла қаратса олишини таъминлади. Ўз овозининг таъсирчанлигини аниқлаш учун ўқитувчи овозининг қанчалик дараражада кучли, ширадор ва ёқимли эканлигини билиши, шунингдек, зарур вазиятларда овознинг бу каби хусусиятларидан унумли фойдалана олиши зарур. Ўз овозида маълум камчиликлар борлигини сезган ўқитувчи уларни бартараф этишга харакат қилиши керак. Бунинг учун овоздан фойдаланиш ва уни яхшилаш техникаси устида изчил, доимий машқ қилиб бориши талаб этилади. Зоро, бир ёки икки марта қилинган машқ билан овоз хусусиятларини яхшилаб бўлмайди.

Ўқитувчи овози ўзида куйидаги хусусиятларни акс эттира олиши зарур:

- 1) жарангдорлик (товушнинг тозалиги ва тембрнинг ёрқинлиги);
- 2) кенг диапазонлик (овознинг энг пастликдан энг юкоригача бўлган дарајаси);
- 3) ҳаводорлик (эркин сўзлаганда яхши эшитувчанликка эга бўлиши);
- 4) ихчамлик, харакатчанлик;
- 5) чидамлилик (узок ишлаш кобилиятига эга бўлиш);
- 6) мослашувчанлик (динамика, тембр, оҳандорликнинг турли шароитга мослаша олиши);
- 7) қарши шовқинларга нисбатан баркарорлик (халақит берувчи шовқинга тембр ва тесситуранинг ўзгариб туриши);

Педагогик фаолиятда ўқитувчи ўз нутқини ташкил этишда күйидагиларга жицдий эътибор қаратиши зарур:

- 1) адабий (шева сўзларининг қўлланилмаслиги) меъёrlарига (кади – қовоқ, памилдори – помидор, келутти – келяпти, картишка – картошика ва ҳоказо тарзида) амал қилиш;
- 2) талаффуз (o, a, у, ў, ф, в, н, д, т, х, ҳ, с, ى, ж, ш) меъёrlарига (онор – анор, ухшаши – ўхшаши, палакат – фалокат, Ҳамит – Ҳамид, ҳам – ҳам, сентнер – центнер, ижтимоий – иштимоий каби шакллар) риоя этиши;
- 3) келишик меъёrlарига (Собирни укаси – Собирнинг укаси, ўқувчини дафтари – ўқувчининг дафтари, поездга келдим – поездда келдим ва б. кўрининишида) амал қилиши

Ўқитувчи нутқи ҳам нутқ товушларини ҳосил қиласиган нутқ органларининг иштирокида ташкил этилади. Нутқ кўплаб органлар иштироки, уларнинг имконияти билан ҳосил қилинади.

Нутқ ҳосил қилувчи органлар – нутқни ҳосил қилиши жараённада иштирок этувчи органлар.

Нутқни ҳосил қилишида иштирок этувчи органлар умумий ҳолда нутқ аппарати деб юритилади

Нутқ аппарати нутқни ҳосил қилиш жараённада иштирок этадиган бир неча органлардан ташкил топади (19-расм):

| | | |
|----------|--------------|---------------|
| Үпка | Иккита бронх | Трахея |
| Кекирдак | Бўғиз | Ҳикилдоқ |
| Ҳалқум | Тишлар | Бурун бўшлиғи |
| Лаблар | | |

19-расм. Нутқ ҳосил қилувчи органлар

Бугунги кунда нутқ техникаси бўйича бир қанча мажмуавий машқлар асосланган. Улар сўзлашиш пайтида тўғри нафас олиш, товуш ҳосил қилиш ва нутқни маъноли ифодалаш малакаларини такомиллаштиришга ёрдам беради.


Нутқ техникаси – нутқни тингловчи ёки ўқувчига етказиша кўлланиладиган воситалар мажмую

Ўқитувчини нутқининг ҳосил бўлишида нафас олиш муҳим аҳамиятга эга.

Нафас олиш организмга ҳаёт бағишловчи физиологик функцияни бажариш билан бирга нутқининг энергия базаси ҳам ҳисобланади.

Нутқли (ёки товушли) нафас олиш (фонацион, юнон. “phono” – товуш) – нафаснинг нутқ жараёнидаги олиниши

Инсоннинг кундалик ҳаётидаги нутқ асосан диалог шаклида бўлади. Касбий фаолиятни ташкил этиш, айникса, дарс жараёнидаги ўқитувчи узоқ сўзлайди. Бу эса янги мавзуни тушунтириш, маъруза ўқиш билан боғлиқ. Шу боис ўқитувчи нутқли нафас олиш турлари билан таниш бўлиши, тўғри нафас олиши зарур (20-расм):




20-расм. Нафас олиши техникасининг асосий турлари
(Т. Кудратов)

Агар ўқитувчи нафас олиш техникасини яхши эгалламаган бўлса, унда педагогик фаолият жараёнида узоқ сўзлаш оқибатида томир уришининг тезлашуви, юзнинг қизариб кетиши, нафас қисилиши рўй беради.

Нутқнинг ҳосил бўлишида товушлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Товуш – чиқарилган ҳавони хиқилдоқдан ўтиши пайтида овоз пардаларнинг тебраниши натижасида вужудга келадиган ҳодиса, садо, (sac)

Товуш қуидаги хусусиятларга эга (21-расм):



21-расм. Товушга хос хусусиятлар

Ўқитувчи нутқини ташкил этишда д и к ى ц и я ҳам алоҳида ўрин тутади.

Дикция сўзларнинг аниқ талаффуз қилиниси

Талаффузнинг аниқлиги ўқитувчи нутқининг тушунарли бўлишига ёрдам беради, шунингдек, ўкувчилар томонидан тўғри тушунилишини таъминлайди. Талаффуз қанчалик аниқ бўлса, айтилаётган сўз, ифодаланаётган бўғин ва товушлар шунчалик тиниқ, ёркин ифодаланади. Товуш нутқ аппаратининг барча аъзолари (лаблар, жағ, тишлар, юмшоқ ва қаттиқ танглай, кичик тил, кекирдақ, томоқ орка девори, товуш найчалари)нинг биргалиқда унумли ишлашига боғлиқ. Тил, лаблар, юмшоқ танглай, кичик тил ва пастки жағ нутқда фаол иштирок этади. Шу

сабабли уларни доимий машқ қилдириш туриш мухим аҳамиятга эга.

Артикуляция (лот. “*articulation*” < “*articulare*” – “аниқ талаффуз құлмоқ”) нұтқ орган (аъзо)ларининг товуші

Товушнинг аниқ талаффуз килинишини такомиллаштириш артикуляция гимнастикаси асосида амалға оширилади.

Хар бир унли ва ундош товушларни түғри ифодалашға ўргатувчи машқлар (ифодали ўқиши, тез айтишлар).

Ўқитувчи нұтқнинг ташкил этилишида **риттика** ҳам мухим ўрин әгаллайды.

Риттика – айрим сүз ва бўғинларнинг айтилиши муддати ва тўхтамиши, нұтқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилишини билдиради

Унга хос мухим жиҳат ритм саналади.

Ритм (нұтқнинг вазни) нұтқнинг мухим хусусияти саналади, зеро, нұтқ оҳанги, тўхтамлар ҳам тингловчиларга бевосита кучли ҳиссий тасьир кўрсатади. Нұтқнинг ритми (вазни)га кўра ўкувчига узатилаётган билимлар, ўкув материалининг мураккаб ўринлари ўқитувчи томонидан аста-секин баён қилинади, осон ўзлаштириладиган қисмларини эса нұтқни бир қадар тезлаштириб баён этиш мумкин. Ўқитувчи ўз фаолиятида аниқ, равон, маъноли, ифодали нұтқни ўзлаштира олиши, бир сүз билан айтганда нұтқ маданиятини әгаллаши зарур.

Нұтқ маданияти – ўз фикрини нұтқ ёрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб берииш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси

Педагогик маҳорат негизида педагогнинг касбий, яъни, педагогик тажрибага эга бўлиши ҳам мухим аҳамият касб этади.

Педагогик тажриба – касбий фаолиятни ташкил этиши жараённан педагог томонидан ўзлаштирилган орттирилган билим, кўникма ва малакалар мажмугу

Ўқитувчилар фаолиятида педагогик тажрибани ҳосил қилиш қуйидаги йўлларга таянилади:


- { 1) мустақил ўқиб-ўрганиши;
2) илгор иш тажрибалари билан танишиши;
3) илмий анжуманларда шитирок этиши;
4) ўзаро тажриба алмасиши;
5) ҳамкорликда педагогик изланишларни олиб бориши;
6) тажрибали шахслардан маслаҳат олиши ва б.
- }

III. Таълим жараёнини самарали бошқариш ва педагогик низоларни ҳал этиш. Таълим жараённан ўқитувчи режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш, натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш каби вазифаларни бажаради.

Таълим жараёнини бошқарши – ўқитувчи томонидан муайян мавзу бўйича ёки назорат ишларини ўткизни мақсадида ташкил этилаётган ўқув машғулотларининг илмий-педагогик ва амалий-методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштирилиши олиб борилиши, натижаларнинг таҳлил этилиши

Одатда таълим жараёнини самарали бошқариш ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотларини илмий-педагогик ва амалий-методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштириш, олиб бориш ва натижаларни холис, тизимли таҳлил этишга доир билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишига боғлиқ. Шу сабабли талабалар (бўлажак ўқитувчилар) ҳамда малака ошириш курсларининг тингловчиларида бу борадаги билим, кўникма, малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи томонидан таълим жараёнини бошқариш қўйидаги босқичларда ташкил этилади (22-расм):



22-расм. Таълим жараёнини бошқарии босқичлари

Ўқитувчи таълим жараёнини ташкил этишини *режалаштиришида* календар-тематик ёки дарслар режаларини тузишга эътибор қаратади. Ўқитувчининг таълим жараёнини *ташкил этишидаги* роли ўқувчилар олдига ўқув масалаларини қўйиш, уларнинг самарали бажарилиши учун зарур шароитни яратишдан иборат. Агарда таълим жараёнинда ўқувчилар фаолиятини бошқаршида ўқитувчи уни тўғри йўналтириш вазифасини бажарса, *назорат* ўқувчилар фаолиятининг максадга мувофиқ, самарали ташкил этилишини таъминлайди. Таълим жараёни бўйича натижаларни *баҳолаш ва таҳлил қилиши*да ўқитувчи таълим жараёнининг қандай кечганилигини билиш, ютуқлар омилларини ўрганиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилашга эътибор қаратиши лозим.

Педагогик жараёндаги мухим ходисалардан бири – низо саналади.


Низо – қарама-қарши, бир-бирига тўғри келмайдиган қучлар тўқнашуви, икки ёки ундан кўп тарафлар орасида ўзаро келишиувнинг йўқлигини, манфаатлар тўқнашувини ифодаловчи зиддият

Педагогик низо – педагог ва талаба, ота-она, ҳамкаслар ёки раҳбарият ўртасида педагогик жараёнда юзага келган манфаатлар тўқнашуви, ўзаро қарама-қаршилик

Педагогик низо бир катор белгиларга эга. Унга хос бўлган асосий белгилар қуйидагилардир:


- инкиroz;
- англашилмовчилик;
- кутилмаган ҳодиса;
- зўриқиш;
- нокулайлиқ, ички ёки ташки хавотир, бартараф этиш қийин бўлган қўркув

Педагогик низоларнинг келиб чиқишига муайян омиллар таъсир этади. Улар (23-расм):



23-расм. Педагогик низони келтириб чиқарувчи омиллар

Давомийлигига кўра педагогик низолар бир неча турли бўлади. Уларнинг асосий турлари қуйидагилардир (24-расм):




24-расм. Педагогик низо турлари

Педагогик низоларда адолатсизликларга, ижтимоий муносабатлардаги яккашокимликка йўл қўйиб бўлмайди.

Педагогик низоларни ҳал этишда бир қатор йўл тутилади. Улар орасида энг самарали йўллар қўйидагилар саналади:


1. Низонинг таъсир доирасини кенгайтирмаслик.
2. Кулай ечимларни таклиф қилиш.
3. Ман этилган усусларни кўлламаслик, шакллардан фойдаланмаслик.
4. Шикоятлар сонини қисқартириш.
5. Иккинчи даражали масалаларни хам узвий равишда ҳал қилиб бориш.
6. Низога киришган субъектлар шахсини камситадиган сўзлардан фойдаланмаслик

Педагогик низоларни ҳал этишда бир қатор усуслар хам кўлланилади. Улар орасида энг самарали усуслар қўйидагилар саналади (25-расм):



25-расм. Низони ҳал қилишининг педагогик ва маъмурий усуслари

Педагоглар педагогик низо иштирокчилариға педагогик, педагогик ёрдам күрсата олиш имкониятiga ҳам эга бўлишлари зарур. Бу борада кўрсатиладиган ёрдам турлари қуидагилар саналади (26-расм):



26-расм. Педагогик низо субъектларига кўрсатиладиган педагогик-психологик ёрдам турлари

IV. Замонавий педагог имиджи. Лугавий жиҳатдан “**имидж**” (инг. “image”) тушунчаси “сиймо”, “тимсол”, “киёфа” ва “образ” маъноларини англатади. Моҳиятига кўра эса ушбу тушунча ёрдамида “жозиба”, “мафтункорлик” маънолари англанади.

Педагогик имидж педагогнинг маънавий-ахлокий қиёфаси билан ташки кўриниши ўртасидаги ўзаро уйғунлик, мутаносибликни ифодаловчи образи.

Педагогик фаолиятнинг самарали бўлишида **педагогнинг ташки қиёфаси** ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ўқувчиларга самарали таъсир кўрсата олиш учун педагог, ўқитувчининг ташки қиёфаси қуидаги талабларга жавоб берга олиши зарур:

- ❖ ўқитувчи ташки кўринишининг ўқувчиларга эстетик таъсир
- ❖ кўрсатиши, уларни эстетик жиҳатдан завклантира олиши;
- ❖ ўқитувчи сочининг тараалган, чиройли турмакланган бўлиши;
- ❖ пардоз буюмларидан ўринли фойдаланиш, юзнинг ортиқча бўёқлардан ҳоли бўлиши;
- ❖ ўқитувчи либосларининг тоза, озода, қоматига ярашган бўлиши,
- ❖ осилиб турмаслиги, ҳаддан ортиқ ҳашаматли бўлмаслиги лозим;
- ❖ заргарлик буюмларидан имкон қадар ҳоли бўлиш, айникиса, товланувчи металлар – олин ва кумуш тақинчоқлардан фойдаланмаслик, либоснинг ранги ва ўқитувчининг ёш хусусиятларига мувофиқ оддий, ҳашаматли бўлмаган тошли ва

Шундай қилиб, кишилик жамияти тараққиётининг шахс тарбияси масалалари кун тартибиға қўйилган илк даврларданоқ болаларнинг таълими ва тарбияси учун масъул шахслар тоифасининг шаклланиши, уларнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян ижтимоий талабларга жавоб бера олишлари, касбий маҳоратга эга бўлишларига нисбатан ижтимоий талаблар қўйила бошлаган. Талabalарни ижтимоий талаблар билан яқиндан таништириш, уларда педагогик малака ва касбий маҳоратни шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Педагогик маҳорат асослари бўлажак мутахассисларни таълим ва тарбия жараёнларни методик жиҳатдан пухта, ташкилий жиҳатдан самарали ташкил эта олишларида муҳим пойдевор ҳисобланади. Уларнинг педагогик техникага эга бўлишлари касбий жараёнда юзага келадиган шахсларро муносабатларни самарали, салбий низоларсиз уюштирилишини таъминлаш билан бирга ҳеч бир кийинчиликсиз таълим ва тарбиявий ишлар жараёнини ташкил этилишига ҳам ёрдам беради.

Назорат учун саволлар:

1. “Махорат” ва “педагогик махорат” тушунчалари қандай маъноюнг аниҳади?
2. Педагогик махорат қандай муҳим таркибий қисмлардан иборат?
3. Педагогик билимдонлик ва педагогик рефлексия нима?
4. Педагогик одобнинг асосий шакллари қайсилар?
5. Педагогик деонтология нима?
6. Педагогик обрў қандай қозонилади?
7. Педагогик қобилият нима ва унинг қанай турлари мавжуд?
8. Қандай қобилиялар ноёб қобилиялар саналади?
9. Педагогик эмпатия нима?
10. Педагогик мулоқотнинг қандай турлари ва услублари мавжуд?
11. “Педагогик релаксация” деганда нимани тушунасиз?
12. Педагогик назокат (такт) нима?
13. Педагогик тажриба нима ва у қандай йўллар билан ҳосил қилинади?
14. Педагогик низо нима ва у қандай йўллар билан ҳал этилади?
15. “Имидж” ва “педагогик имидж” деганда нимани тушунасиз?

ПЕДАГОГИК КРЕАТИВЛИК ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Режа:

1. “Креативлик” ва “педагогик креативлик” тушунчаларининг моҳияти.
2. Педагонинг креативлик потенциали.
3. Креативлик потенциалининг таркибий асослари ва устувор тамоиллари.
4. Педагонинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар.
5. Ўкув топшириқларини ишлаб чиқишига ижодий ёндошиш.

Таянч тушунчалар: креативлик, креативликни ривожлантириш, креативликни ривожлантиришга тўсқинлик киладиган омиллар, креатив потенциал, педагогик креативлик, педагогонинг креатив потенциали, креатив потенциалнинг таркибий асослари ва тамоиллари, педагогонинг креатив потенциалини аниқловчи мезонлар.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности – СПб.: СПГУТД, 2006.
2. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.

I. “Креативлик” ва “педагогик креативлик” тушунчаларининг моҳияти. Замонавий шароитда педагогонинг креативлик сифатларига эга бўлиши тақозо этади.

Креативлик (лат., инг. “create ” – яратиш, “creative ” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги гояларни ишлаб чиқарishiга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти


Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, хис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади.

Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткириликни белгилаб беради.

П.Торренс фикрича, “креативлик” тушунчаси негизида қуидаги ёритилади:

- муаммога ёки илмий фаразларни илгари сурии;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириши асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг

Креативлик сифатлари қуидагилар саналади (27-расм):



27-расм. Креативлик сифатлари

Бошқа ҳар қандай сифат (фазилат) каби креативлик ҳам бирданига шаклланмайди. Креативлик муайян босқичларда изчил шакллантириб ва ривожлантирилиб борилади. Хўш, шахс фаолиятида креативлик хусусиятлари қачондан намоён бўлади?

Одатда креативлик болаларнинг фаолиятида тез-тез кўзга ташлансада, бироқ, бу ҳолат болаларнинг келгусида ижодий ютуқларни қўлга киритишларини кафолатламайди. Фақатгина улар томонидан у ёки бу ижодий кўнимка, малакаларни ўзлаштиришлари зарур деган эҳтимолни ифодалайди.

Болаларда креативликни ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- 1) улар томонидан кўп саволлар берилишини рағбатлантириш ва бу одатни қўллаб-кувватлаш;
- 2) болаларнинг мустақиллигини рағбатлантириш ва уларда жавобгарликни кучайтириш;
- 3) болалар томонидан мустақил фаолиятни ташкил этилиши учун имконият яратиш;


Кўйидаги омиллар шахсда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қиласди:

- 1) ўзини таваккалдан олиб қочиш;
- 2) фикрлаш ва хатти-харакатларда кўполликка йўл кўйиш;
- 3) шахс фантазияси ва тасаввурининг юқори баҳоланмаслиги;
- 4) бошқаларга тобе бўлиш;
- 5) хар кандай ҳолатда ҳам фақат ютуқни ўйлаш

Психологияда П.Торренс томонидан шахс креативлигини аниқловчи тест ишлаб чиқилган. П.Торренснинг фикрича, шахс креативлиги ўзида қўйидаги белгиларни намоён қиласди:

- 1) саволлар, камчиликларга ёки бир-бирига зид маълумотларга эътиборсиз бўлмаслик;
- 2) муаммоларни аниглаш учун ҳаракат қилиш, илгари сурилган тахминлар асосида уларнинг ечимини топишга интилиш

Бугунги кунда психологияяда шахс креативлиги унинг фаолиятига хос икки жиҳатга кўра аниқланмоқда. Бунда фаолиятнинг икки жиҳатини ёритувчи тестлардан фойдаланилади. Улар қуидагилардир (28-расм):



28-расм. Шахс креатив фаолияти моҳиятини ёритувчи тест турлари

II. Педагогнинг креативлик потенциали. Ўқитувчининг ижодкорлиги у томонидан ташкил этилаиган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндошувида акс этади. Сўнгги йилларда ушбу ҳолат “педагогик креативлик” тушунчаси билан ифодаланмоқда.

Педагогик креативлик – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашига хизмат қилувчи янги гояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий

Педагогнинг **креативлик потенциали** унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У ижодий фаолиятнинг дастлабки шарти ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгаликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив потенциал негизида ҳар бир мутахассиснинг шахсий қобилияtlари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади.

Креатив потенциал билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ. Педагогнинг креатив потенциали анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равища куйидагиларда намоён бўлади:


- тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлиги;
- янги гояларни яратиш қобилияти;
- бир қолипда фикрламаслик;
- ўзига хослик;
- ташаббускорлик;
- ноаникликка тоқат қилиш;
- заковатли бўлиш

Педагог креативлик потенциалига эга бўлиши учун касбий фаолиятида куйидагиларга эътиборини қаратиши зарур:

- касбий фаолиятига ижодий ёндошиш;
- янги-янги гояларни яратишида фаоллик кўрсатиш;
- илфор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустакил ўрганиш;
- ҳамкаслар билан педагогик ютуклар хусусида фикр алмасиш

Ҳар бир педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва ўзини ўзи намоён эта олиши бевосита унинг креативлик қобилиятига эгалиги билан боғлиқ.

Педагогнинг креативлик потенциалини ривожлантиришда куйидаги методлардан фойдаланиш самарали саналади (29-расм):




29-расм. Педагогнинг креативлик потенциалини ривожлантирувчи методлар

Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вакт ичидан изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилас экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндошиши унда хиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади.

III. Креативлик потенциалининг таркибий асослари ва устувор тамоиллари. Педагогнинг креатив потенциали қўйидаги таркибий асосларни ўз ичига олади (30-расм):



30-расм. Педагог креатив потенциалининг таркибий асослари


Креативлик потенциалига эга педагог ўзида қуидаги малакаларни намоён эта олади:

- бажариладиган вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини белгилай билиш;
- масаланинг қўйилишини таҳлил қила олиш;
- масалани ҳал қилиш режасини тузиш;
- масалани ҳал қилишда самарали методлар (анализ, синтез, индукция, дедукция, тақкослаш ва б.)ларни кўллаш;
- масалани ҳал қилиш усусларини танлай олиш;
- қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини асослаш ва қайта текшириш;
- масалани ҳал қилишда кичик тадқиқот (изланиш)ни олиб бориш;
- масалани ҳал қилиш шароити, жараённинг бориши ва масала ечими якунларини умумлаштиришга оид далилларни расмийлаштириш

Педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ёки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциалини янада ривожлантиради. Натижада педагог:

- ижодий фикрлашга одатланади;
- илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш кўнимкамаларини пухта ўзлаштиради;
- педагогика ёки мутахассислик фани ютуқлари хамда илғор тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини мустақил таҳлил қиласди;
- педагогик жамоа томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ва ижодий лойиҳаларни бажаришда фаол иштирок этади


Педагогнинг креативлик потенциали кўп даражали жараён ва у қўйидаги тамойилларга таянади (31-расм):



31-расм. Педагог креативлик потенциалининг устувор тамойиллари

IV. Педагогнинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар. Касбий фаолият самарадорлигини баҳолашда педагогнинг ижодкорлиги – кратив потенциали даражасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Педагогнинг қративлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар қуидагилар саналади (32-расм):



32-расм. Педагогнинг креатив потенциали даражасини аниқловчи мезонлар

Ушбу мезонлар педагоглар креатив потенциалини уч даражада аниқлаш имконини беради (5-жадвал):

5-жадвал.

Педагог креатив потенциалининг муҳим даражалари

| № | Даражалар | Даража хусусиятлари |
|----|-----------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | Юқори | Мунтазам равишда турли ташаббусларни илгари суради, креатив қобилиятта эгалигини изчил намойиб этиб боради, креатив жиҳатдан ўта фаол, изланувчан |
| 2. | Үрта | Баъзан у ёки бу ташаббусни илгари суради, креатив қобилиятта эгалиги мунтазам бўлмаса-да, аммо намоён бўлади, креатив жиҳатдан бир кадар фаол, изланувчан бўлишга интилади |
| 3. | Паст | Гарчи у етарлича асосланмаган бўлса-да, ташаббусни илгари суршга интилади, креатив қобилияти етарлича намоён бўлмайди, изланувчан бўлишга интилмайди |

Болаларда креативлик сифатларини ривожлантириш юзасидан Девид Льюис томонидан амалий күрсатмалар ишлаб чиқилган. **Күрсатма қүйидагилардан иборат:**

1. Болаларнинг саволлариға чидам билан түгри жавоб беринг.
2. Уларнинг саволлари ва фикрларини жиоддий қабул қилинг.
3. Болаларга ўз ишлари билан шугулланишилари учун алоҳида хона ёки бурчак ажератинг.
4. Агарда ижодий жараён билан боғлиқ бўлса, у ҳолда болани хонадаги тартибсизлик учун койиманг.
5. Вақти-вақти билан болаларга уларни яхши кўришингизни ва уларни қандай бўлсалар, шундай қабул қилишиларини намоён этинг.
6. Болаларга имкониятларига мос юмушларни буюринг.
7. Уларга шахсий режсаларини ишлаб чиқшии ва қарорлар қабул қилишига кўмаклашинг.
8. Болаларга фаолиятларда юқори натижаларга эришишиларига ёрдам беринг.
9. Камчиликларини кўрсатган ҳолда болани бошқалар билан солиштирманг.
10. Болани камситманг ва ўзини ёмон, ожиз деб ҳисоблашишига йўл қўйманг.
11. Уни мустақил фикрлашига ўргатинг.
12. Болани севимли машгулотини ташкил этиши учун зарур буюмлар билан қуроллантиринг.
13. Уни турли воқеаларни ўйлаб топшишига, фантазия қилишига мажбурланг, бу жараёнда унга ёрдамлашинг.
14. Болани ёшлиқдан ўқиб-ўрганишига одатлантиринг.
15. Доимо боланинг эҳтиёжларига эътибор қаратинг.
16. Ҳар куни бола билан юзма-юз сухбатлашиши учун вақт топинг.
17. Оиласа оид масалаларнинг муҳокамасига болаларни ҳам жалб қилинг.
18. Хатолари учун болани масхара қилманг.
19. Болани ҳар бир ютуғи учун мақтаниг.
20. Унинг ютуқларини мақташида самимий бўлинг.
21. Болани турли ёшдаги кишилар билан мулокот қилишига ўргатиб боринг.
22. Унинг борлиқни англашига ёрдам берадиган амалий тажрибаларни ўйлаб топинг.

23. Болага турли латта-пұтталар билан ўйнашини тақиқламанғ – бу унинг тасаввурини бойитади.
24. Уни мұаммони топшиш ва уни ҳал қилишига разбатлантиринг.
25. Болага нисбатан ўз мұносабатингизни баҳолаішда одил бўлинг.
26. У билан муҳокама қилинадиган мавзуларни чекламанғ.
27. Болага қарорларни мустақил қабул қилиши ва унинг учун жавобгар бўлиши имконини беринг.
28. Болага унинг шахс бўлиб шаклланиши учун ёрдам беринг.
29. Болага унинг учун фойдали бўлган телекўрсатувларни томоша қилишиши ва радио эшиктиришиларни тинглаши учун кўмаклашинг.
30. Уни ўз қобилиятларини ижобий қабул қилишига одатлантириб боринг.
31. Болани катталарадан мустақил бўлишига ўргатиб боринг.
32. Боланинг ўзига ва унинг соглом фикрга эгалигига ишонинг.
33. Болага “Мен ҳам буни билмайман” деб, уни мудаффаиятсизликларга беэътибор бўлишига ўргатманг.
34. Болага, гарчи у ишининг ижобий натижага эга бўлишига ишонмаса-да, бошланган ишни охирига етказиши учун имконият яратинг.
35. Кундалик дафтар юритинг ва унга болада креатив қобилият шаклланишини қайд этиб боринг.

V. Ўқув топшириқларини ишлаб чиқишига ижодий өндошиши. Педагогнинг креативлигини ривожлантиришда унинг маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари учун ўқув топшириқларини ишлаб чиқишига ижодий өндошиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун педагоглар ўзларида креативлик қобилиятини ривожлантириш йўлида тизимли, изчил амалий ҳаракатларни ташкил этишлари зарур. Кўйида уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтилади.

1. Махсус тестлар билан ишлаш. Педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчиларда креативлик қобилияти ва сифатлари мавжудлигини аниқлашда П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тестидан фойдаланиш самарали натижаларни беради.

Мазкур тест күйидаги штрихларан иборат ноаниқ тасвиirlардан иборат бўлиб, тингловчиларга уларни тугатиб бериш топшириги берилади:



1.



2.



3.



4.



5.



6.



7.



8.





9.



10.

Айни вактда ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести кўллаш жараёнидаги тингловчилар томонидан қуидаги таклифлар берилди. (ТАТУ, тингловчи С.Э.Холиков):





2. Талаба ва тингловчиларда ижодий тафаккурни шакллантиришга оид топшириқлар билан ишлаш. Бу турдаги топшириқлар талаба, тингловчиларда ижодий фикрлаш, вокеа, ходиса, жараён ёки фаолият мөхиятини мантиқий ифодалаш, хаёлот оламини бойитиш малакаларини ўзлаштиради. Бу мақсадда кичик эссе, табрикнома, таклифномалар учун матнларни ёзиш, реклама роликлари учун матнлар ишлаб чикиш каби топшириқлар фойдаланиш мүмкін.

3. Матнли ахборотларни график шаклга ўтказиш.

Матнли, айниқса, катта ҳажмдаги матнли ахборотлар талабалар томонидан қийин қабул қилинади. Замонавий шароитда матнли ахборотларни график шаклига ўтказиш талаб этилмоқда. Ўқув ахборотларини график шаклига ўтказишида маълумотларни модел, схема, жадвал, диаграмма, тасвир, кластер, математик, физик, геометрик кўринишларида ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Бу тарзда талабаларга тақдим этилган ахборотлар талабалар томонидан самарали қабул қилинади.


Айни вактда ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” йўналишида ташкил этилган амалий машғулотда

тингловчилар билан қуидаги матнли ахборотни кластерда ифодалаш күнікма, малакалари билан қуроллантирилди:

Халқаро қуролли можаро. Ҳуқүкій түшүнчә сифатида “халқаро қуролли можаро” илк бор 1949-йилдаги Женева конвенциясынинг 2-моддасида уруши түшүнчеси билан бир қаторда тилга олинган. Эң аввало, “можаро” ва “халқаро можаро” түшүнчалари ўртасидағы фарқни билиб олиш керак. **Можаро** – иккى қарама-қаршиликнинг ихтилофи.

Халқаро можаро (ХМ) – можаро асосида ётган ва унда қатнашаётганлар ўртасида мавжуд бўлган зиддиятларнинг кескин шаклда ифодаловчи расмий, сиёсий муносабат саналади. ХМдан бири **қуролли можаро** саналади. Бироқ, ҳар қандай халқаро можаро қуролли можаро бўлавермайди. Қуролли можарода иккинчи томонга нисбатан қуроли куч ишлатилади. Демак, қуроли куч ишлатиши қуролли можаронинг ўзига хос жиҳатидир. 1975-1977-йилларда ташкил этилган **Дипломатик анжуманларда миллий-озодлик урушлари ҳам халқаро қуролли можаро деб эътироф этилган**.

“Халқаро қуролли можаро” мавзусидаги ўқув ахборотининг кластердаги ифодаси



4. Интерфаол методлардан фойдаланиш. Машғулотларда интерфаол метод (стратегия, графикр организер)лар билан ишлаш талабалар томонидан ўқув ахборотларини тизимли, яхлит ҳолда ўзлаштириш имкониятини яратади. Қолаверса, интерфаол методлар ёрдамида талабалар ўқув ахборотлари билан ишлашда билимларни таҳлил қилиш, синтезлаш, мухим тушунчаларни тизимлаштириш, объект, жараён, фаолият, воеа, ходисаларнинг умумий маҳиятини аниқ ифодалаш каби кўникма, малакаларни ўзлаштиришга муваффақ бўлади. М:

Word матн мұхаррирининг “Синквейн” стратегияси өрдамида өритилған моҳияти

1-қатор. *Windows* (1та от)

2-қатор. Хужжатни *тез ва сифатлы* тайёrlайды (2 та сифат)

3-қатор. Маълумотларни *ёзиш, қайта ишилаш*

ва саклашга өрдам беради (3 та феъл)

4-қатор. *Windows тизими мұхитида ишлайди* (4 та сўз)

5-қатор. Word матн мұхаррири Microsoft office дастурлари пакетига киради, унинг пиктограммаси “W” белгиси, унда яратилған файл кенгайтмаси .doc шаклида (1 та гап)

“Харбий соҳанинг умумий тавсифи” мавзусидаги концептуал жадвал

| Муҳим жихатлар | Асосий белги (тавсиф)лар | | |
|----------------------------------------|---------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------|--------------------------------------------|
| | 1-белги (тавсиф) | 2-белги (тавсиф) | 3-белги (тавсиф) |
| 1. Етакчи соҳа | Хуқукий негизга эгалик | Тизимнинг мавжудлиги | Иерархик бошқарув |
| 2. Давлат мудофаасини таъминловчи соҳа | Давлат харбий ташкилоти эканлиги | Қуролли Кучларга эгалик | Чегаралар хавфсизлигини таъминлаш |
| 3. Қуролли Кучлар таркиби | Харбий вазирликка бўйсуниш | Таркибий кисмларнинг мавжудлиги | Замонавий арсеналга эгалик |
| 4. Офицерлар таркиби | Харбий увон бўйича даражаланиш | Харбий увоннинг “Кичик сержант-генерал” тизимида берилиши | Харбий жасорат ва касбий ютукка асосланиши |
| 5. Бошқарув механизми | Уставга мувоғик иш юритиш | Харбий интизомга қатъий амал килиниши | Харбий увонга кўра ўзаро бўйсуниш |
| 6. Мажбурий хизмат | Барча фуқаролар учун мажбурий характер касб этиши | Айрим тоифадаги шахсларга имтиёз берилганлиги | Мажбурий хизматнинг аниқ муддатга эгалиги |

“Power Point ва Exzel дастурларини қиёсий ўрганиш”

Мавзусидаги Вени диаграммаси



Назорат учун саволлар:

1. “Креативлик” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. П.Торренснинг фикрича, креативлик негизида қандай кўникма-малакалар намоён бўлади?
3. Креативликка хос энг муҳим сифатлар қайсилар?
4. Шахснинг креативлик хусусиятлари қайси ёшда кўзга ташланади?
5. Болаларда креативликни ривожлантиришда қандай шартларга амал қилиш зарур?
6. Қандай омиллар шахсада креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қиласди?
7. П.Торренс шахс креативлиги ўзида қандай белгиларни намоён қиласди деб ҳисоблайди?
8. Шахс креативлигини аниқловчи тестлар неча турга бўлинади?
9. Педагогик креативлик нима?
10. “Педагогнинг креативлик потенциали” деганда нимани тушунасиз?
11. Педагог креативлик потенциалига эга бўлиши учун нималарга эътибор қаратиши зарур?
12. Педагогнинг креативлик потенциалини ривожлантиришда қандай методлардан фойдаланиш мумкин?
13. Креативлик потенциалига эга педагог ўзида қандай малакаларни намоён этади?
14. Педагогнинг креативлик потенциали қандай таркибий асосларни ўз ичига олади?
15. Педагогнинг креативлик потенциали қандай тамойилларга таянади?
16. Педагогнинг кративлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар қайсилар саналади?
17. Педагогнинг креативлик потенциалини қандай даражаларда аниқлаш мумкин?
18. Девид Льюис томонидан ишлаб чиқилган амалий кўрсатмалар қандай мақсадга хизмат қиласди?

ХОТИМА

Замонавий шароитда педагогнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлиши, ўз устида изчил ишлаши, кун сайин янгиланиб бораётган билимларни ўзлаштиришга интилиши, ўкув ахборотларини талабаларга қизиқарли тарзда етказиб бериш учун машғулотларга тайёргарлик кўришга ижодий ёндаша олиши талаб этилмоқда. Бинобарин, глобал ахбортлашув ижтимоий субъектлар, хусусан, талабалар томонидан ҳам исталган маълумотни ихтиёрий равишда ўзи учун қулай шароит ва жойда турли ахборот-коммуникацион технологиялар ёрдамида ўзлаштириш имкониятини юзага келтирмоқда. Гарчи шундай ҳолатда маълумотларни қабул қилиш имконияти ниҳоятда кенг бўлса-да, бироқ, шахс томонидан бу таҳлитда ўзлаштирилган ахборотларнинг барчаси ҳам билим сифатида намоён бўлмайди. Чунки билимнинг ҳар қандай ахборотдан асосий фарки маълумотларнинг муайян соҳалар бўйича тизимли, изчил, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқли ўзлаштирилганлиги билан белгиланади.

Таълим тизимида том маънода талабаларга сифатли, фойдали, мухим, зарур, керакли ва амалий аҳамиятга эга маълумотларни тизимли равишда етказиб бера олиши учун бугунги кун педагоги ахборотларни тезкор қабул қилиш, қайта ишлаш ва талабаларга самарали, қизиқарли тарзда етказиб беришнинг уддасидан чиқа олиши зарур. Бу эса педагогнинг касбий компетентлик сифатлари, педагогик маҳорат асослари ҳамда креативлик қобилиятига эга бўлиши зарурият сифатида кун тартибига олиб чиқмоқда.

ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларини педагогик компетентлик, педагогик маҳорат ва креативлик асослари билан таништириш улар томонидан ўкув жараёнини ижодий характерда, қизиқарли, талабаларнинг фаолликлари асосида ташкил этилишишга ёрдам беради. Тингловчиларнинг ҳар қандай ўкув ахборотига нисбатан ижодий ёндаша олиш, уларни қайта ишлаш, айниқса, давр

талабидан келиб чиқкан ҳолда матнли маълумотларни моделлаштириш имкониятига эга бўлишлари нафақат талабаларни балки ўзларининг ҳам ўқув жараёнига бўлган муносабатларини ижобий томонга тубдан ўзгартиради.

Ушбу методик қўлланма ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларида ўқув ахборотлари билан ишлашга нисбатан янгича, ижодий ёндошиш малакаларини шакллантиришга хизмат қиласди.

ГЛОССАРИЙ

Адолат – муайян воека-ходиса, жараён, шунингдек, шахс хатти-харакатларини уларнинг туб мохиятига кўра ҳақоний баҳолаш

Англаш қобилияти – ўқитувчиларнинг таълим ва тарбия жараёни мохияти, конуниятлари, талабаларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, таълим иштирокчилари ўртасидаги муносабат мазмуни, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш шартлари ҳамда кутиладиган натижаларни англашга имкон берадиган индивидуал психологик хусусият

Артикуляция (лот. “articulation” < “articulare” – “аниқ талаффуз қилмоқ”) нутқ орган (аъзо)ларининг товуш ҳосил қилишдаги харакатлари ҳолати

Баҳолаш маданияти – педагогнинг у ёки бу педагогик воқелик, ходиса, жараёнлар бўйича уларнинг мохиятидан келиб чиқсан ҳолда тўғри холоса чиқариш, оқилона қарор қабул қилиш қобилиятига эгалигини англашувчи сифат

Билиш қобилияти – ўқитувчининг таълим жараёнининг иштирокчилари – талабалар, ота-оналар, ҳамкаслар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мuloқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал психологик хусусият

Диапазон (юон. “diapason” – “барча (торлар) орқали”) – товуш ҳажми бўлиб, унинг чегараси энг юқори ва қуйи оҳанглар билан белгиланади.

Дикция (лот. “diction” – “талаффуз қилиши”) – сўзларнинг аниқ талаффуз қилиниши

Жест (гавда, кўл ва оёқ ҳаракатлари) – муайян ҳодиса ёки обьектга нисбатан муносабатнинг гавда, кўл ва оёқ ҳаракатлари ёрдамида ифодаланиши

Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўнинма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мuloқотга кириша олиш

Индивидуал ривожланиши дастури (ИРД) – ҳар бир шахс ёки мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БКМ, касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш

эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган шахсий-амалий характердаги дастур

Инновацион компетентлик – педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги фояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффакиятли татбиқ этиш

Интуиция (лот. “intuition” < “intueri” – “синчилаб, диққат билан қарамоқ”) – мантикий боғланмаган ёки мантикий хulosага келиш учун етарли бўлмаганда қидирув йўналишлари асосида масалани ечишнинг таркибини бўлган эврестик (унумли ижодий фикрлаш) жараёни

Информацион компетентлик – ахборот мухитида зарур, мухим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш

Касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти – педагог томонидан мавжуд педагогик билимларни пухта ўзлаштириш йўлида амалий ҳаракатларнинг ташкил этилаётганлитини англатувчи сифат

Касбий зийраклик – ўқувчилар руҳий ҳолатларини, дарс, тарбиявий тадбирларни ўтказишга бўлган иштиёқларини тўғри баҳолаш, уларнинг ўзаро ёки педагоглар билан зиддиятларини англаш, ўқувчи ва гурухга таъсир кўрсатишда қулай вазиятини танлай билиш

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада кўллай олиниши

Касбий-педагогик бурч – мутахассис сифатида ўқитувчи томонидан касбий фаолиятда адо этилиши мажбурий бўлган вазифа

Коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш

Компетентлик (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори

даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш

Креатив компетентлик – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш

Креативлик (ингл. “create” – яратиш, “creative” – “яратувчи”, “ижодкор”) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибиға киругачи ижодий қобилияти

Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БҚМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади

Маҳорат (араб. “моҳирлик”, “усталик”, “эпчиллик”) – 1) бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат, моҳирлик; 2) бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш; 3) муайян иш, хатти-ҳаракат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўнікма ва малакалар мажмуи

Методик компетентлик – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали кўллай олиш, воситаларни муваффақиятли кўллаш

Мимика (юон. “mimikos” – “таклидий”) – юз мускуллари ҳаракатлари орқали шахснинг ўз фикри, ҳис-туйгулари, кайфияти ҳамда мавжуд воқеликка муносабатини ифодалаши

Мулоқот жараёнда ахборот алмасиши воситалари – шахслараро мулоқот жараёнда ахборот алмашинувини таъминловчи моддий ва номоддий нарса, омиллар (оғзаки ва ёзма нутқ, паралингвистик ва экстралингвистик тизимлар, мулоқотнинг ташкилий кўлами ва вақти, кўз қарашлар ёрдамида ташкил этиладиган алоқа, белгиларнинг оптика-кинетик тизими (мимика, пантомимика, жестлар – гавда, кўл ва оёқ ҳаракатлари))

Мулоқот – 1) кишиларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирларига таъсир кўрсатишлари кишилар ўртасидаги алоқани тиклаш ва ривожлантириш жараёни; 2) кишиларнинг бир-бирларига таъсир кўрсатиши асосида улар ўртасида рўй берадиган ахборот алмашинуви

Мулоқот маданияти – 1) мулоқот жараёнини ахлоқий меъёrlар, ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этиш асосида сухбатдошни тушуна олиш эҳтиёжи ва қобилиятига эгалик; 2) педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири

Нафас олиш – 1) организмга ҳаёт бағишлиовчи физиологик функция; 2) нутқнинг энергия базаси

Нафас олиш техникаси – физиологик функция ёки нутқнинг энергия базаси сифатида нафас олишда қўлланиладиган воситалар мажмуи

Ноёб қобилиятлар – шахсга хос индивидуал психологик хусусиятнинг шундай тури бўлиб, у жуда кам сонли шахслардагина кузатилади ва кўп учрайдиган психологик ҳодиса саналмайди

Нутқ аппарати – нутқни ҳосил қилишда иштирок этувчи органлар.

Нутқли (ёки товушли) нафас олиш (фонацион, юнон. “phono” – “товуш”) – нафаснинг нутқ жараёнидаги олиниши

Нутқ маданияти – ўз фикрини нутқ ёрдамида мантикли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси

Нутқ техникаси – нутқни тингловчи ёки ўқувчига етказиша қўлланиладиган воситалар мажмуи

Нутқ ҳосил қилувчи органлар – нутқни ҳосил қилиш жараёнида иштирок этувчи органлар (ўпка, иккита бронх, трахея, кекирдак, бўғиз, ҳиқилдоқ, ҳалкум, тишлар, бурун бўшлифи, лаблар)

Пантомимика – педагог томонидан баён этилаётган муайян фикрини алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум қиёфа орқали гавлантиришга имкон беради гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати

Паралингвистик тизим (юнон. “pará” – яқин, нем. “linguistik” – тил) – мулоқот таркибида сўзли, назарий маълумотларни

сўзсиз воситалар билан биргаликда узатилиши англатувчи тизим.

Педагогик билим – болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, таълим ҳамда тарбия жараёнини ташкил этиш асосида шахсни ҳар томонлама камол топтиришга доир тизимланган маълумотлар йигиндиси

Педагогик билимдонлик – 1) педагог томонидан мутахассислик билимларининг пухта эгалланганлиги; педагогнинг билафонлиги; 2) педагогнинг касбий фаолиятни мавжуд ижтимоий талаб, хукуқий меъёр ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, касбий тайёргарлик даражаси

Педагогик бошқариш – педагогик жараёнларни ташкилий-методик жиҳатдан уюштириш (талабалар фаолиятни бошқариш; талабалар жамоасини бошқариш)

Педагогик дунёқараш – педагог ва таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлари жараёнининг мазмунини, натижаларини белгиловчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими

Педагогик ижод – педагогнинг касбий жараённи самарали ташкил этишга йўналтирилган яратувчанлик фаолияти

Педагогик интуиция (лот. “intueri” – “синчиклаб, диккат билан қараш”) – педагог томонидан педагогик воқеа-ҳодисанинг моятигини, ўқувчи хатти-ҳаракатлари мазмунини тасаввур, эмпатия ва орттирилган тажриба асосида хис-туйғу, сезги ёрдамида, зийраклик билан мантиқий далилларсиз бевосита англаш

Педагогик креативлик (лот. “creatio” – “яратиш”) – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти

Педагогик лойиҳалаш маданияти – педагог томонидан ўзининг ички имкониятлари билан талаб, хоҳиш-истакларни ўзаро уйғулаштира олган ҳолда мақсад, вазифаларни тўғри белгилай олиш, педагогик жараённи босқичлар бўйича

режалаштириш, режани амалга оширишда зарур воситаларни танлаб билиш малакаси эгаликни тавсифловчи сифат

Педагогик маданиятга эгаликни ифодаловчи сифатлар – ўқитувчидаги касбий хулк-атвор, одоб, муомала ва хатти-харакат кўникма, малакалар мавжудлигини ифодаловчи сифатлар

Педагогик маданиятнинг таркибий элементлари – ўқитувчининг мутахассис сифатида касбий маданияти сифатларини ҳосил қилувчи таркибий элемент (унсур)лар (педагогик лойиҳалаш маданияти; касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти; педагогик дунёкарап; фикрлаш маданияти; ҳис этиш маданияти; баҳолаш маданияти; мулоқот маданияти; ташкилотчилик қобилияти)

Педагогик маданият – 1) педагогнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян хулк-атвор, одоб, муомала ва хатти-харакат кўникма, малакаларини ўзлаштириш даражаси; 2) педагогнинг касбий вазифаларни ҳал қилиш усул ва воситаларини ўзлаштирганлик, педагогик билимдонлик, тантриз, техника ва маданиятни намоён қила олишнинг юқори даражаси

Педагогик мажбурият – жамият томонидан ўқитувчи шахсига, у томонидан бир қатор педагогик мажбуриятларнинг бажарилишига нисбатан қўйиладиган талаб ва ахлоқий йўл-қўрий, кўрсатмалар мажмуаси

Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари – ўқитувчиларда намоён бўладиган касбий маҳорат асосини ташкил этувчи элемент (унсур)лар (педагогик одоб, педагогик билимдонлик, педагогик қобилият, педагогик мулоқот маданияти, педагогик релаксация, коммуникатив таъсир кўрсатиш қобилияти, педагогик тантриз (назокат), педагогик техника, нутқ техникаси, педагогик ижодкорлик, педагогик тажриба, педагогик маданият)

Педагогик маҳорат – 1) ўқитувчининг педагогик жараённи ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ва бошқариш қобилияти, кўникма-малакасига эгалиги; 2) таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндошув, методик билимларни самарали кўллай олиш қобилияти, юксак педагогик

тафаккур; 3) педагог томонидан касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишини таъминловчи билим, кўнишка ва малакалар мажмуи

Педагогик мулоқот – педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар ҳамда раҳбарият билан уюштирадиган сұхбати

Педагогик мулоқот маданияти – педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар, раҳбарият билан педагогик одоб ва мулоқот талабларига мувофиқ ҳолда уюштириладиган сұхбати

Педагогик мулоқотнинг авторитар услуги – педагогик мулоқотда ўқитувчининг мутлоқ устунлигини ифодаловчи услуг

Педагогик мулоқотнинг демократик услуби – педагогик мулоқотда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини ифодаловчи услуг

Педагогик мулоқотнинг либерал услуби – педагогик мулоқотда ўқитувчининг эътиборсизлигини ифодаловчи услуг

Педагогик мулоқот услублари – ўқитувчилар томонидан педагогик жараёнда таълим иштирокчилари билан мулоқотни ташкил этишда қўлланиладиган усуллар мажмуи (авторитар услуб, демократик услуб, либерал услуб)

Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури – педагогнинг индивидуал равишда ўзида у ёки бу касбий-педагогик сифат, БКМ, касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжларига таянган ҳолда ишлаб чиқсан шахсий-амалий характердаги дастури

Педагогик новаторлик – педагогик фаолиятда илғор тамойил ёки тояни асослаш, янги йўл, усул ёки воситаларни тавсия қилиш, уларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган ижодий ёндошув

Педагогик обрў – педагогнинг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа, шунингдек, жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий мақоми

Педагогик одоб – ўқитувчи олдига унинг ўзига, касбига, жамиятга, болаларга ва ўқув-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчиларига муносабатда бўлишига нисбатан кўйиладиган ахлоқий талаблар тизими

Педагогик релаксация (лот. “relaxatio” – “зайфлашиш”, “бўшашиш”) – талабаларнинг ҳиссий фаолияти, руҳий-жисмоний куввати ва ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш

Педагогик рефлексия (лот. “reflexio” – “ортга қайтиш”, “акс этиш”) – педагогнинг шахс онги моҳияти ва вазифаларини, шу жумладан, қадриятлари, қизиқишлари, рағбатлантирувчи омиллар, фикрлаш, идрок, қарорлар қабул қилиш, ҳиссий таъсиrlаниш, хатти-ҳаракатлари ва бошқаларнинг моҳиятини англаб этиши

Педагогик тафаккурнинг ривожланиш босқичлари – педагог томонидан касбий фаолиятни ташкил этиш ёки педагогик йўналишда таҳсил олаётган талабаларда ихтисослик БКМнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда тафаккурнинг изчил, қадам-бақадам ривожланиб бориш даврлари

Педагогик тажриба – касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида педагог томонидан ўзлаштирилган орттирилган БКМ мажмуи

Педагогик такт (лот. “tactus” – “дахл қилиш”, “даҳлдорлик”, “хис этиш”, “туйгу”) – педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар ҳамда хулқ-автор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндошиш малакаларига эгалиги

Педагогик тафаккур – педагогик жараён, вазият ва ҳодисалар моҳиятининг, шунингдек, улар ўртасидаги муҳим боғланиш ва алоқаларнинг педагог онгида тўлақонли акс этиши, янги гояларни илгари суриш, янгиликлар яратиш, шунингдек, педагогик жараён, вазият ва ҳодисаларнинг натижаларини башоратлаш; педагог ақлий фаолиятининг юксак шакли

Педагогик техниканинг воситалари – педагог томонидан ўқувчиларнинг у ёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига нисбатан субъектив муносабат, алоҳида хис-туйгуларнинг маъноли ифодаланишини таъминловчи воситалар (нутқ ва оғзаки бўлмаган мулоқот)

Педагогик техника методлари – педагог томонидан ўқувчиларнинг у ёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига ўзининг

субъектив муносабат, алохидада хис-туйгуларни маъноли ифодаланишини англатувчи методлар

Педагогик техника – педагог томонидан ўзлаштирилган алохидада талаба ва талабалар жамоаларига педагогик таъсир кўрсатиш методларини амалда самарали қўллай олиш учун зарур бўлган БКМ йифиндиси (ўзини ўзи ҳиссий бошқариш, пантомимика, мимика, жест (гавда, қўл, оёқ ҳаракатлари), нутқ техникаси, алохидада сўз ёки ифодаларни ифодалаш суръати (ритмика))

Педагогик ҳамдардлик (эмпатия) – педагогга хос сифат (талабалар, ота-оналар, ҳамкаслар ва раҳбарларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳиссиётлари, ҳаётий интилишлари, табиатларини тушуниш, бошқалар нуқтаи назарини маъқуллаш асосида жамоадаги муносабатларни меъёрда ташкил этилишини таъминлаш; ўзгаларнинг ички ҳолатини, ўй-фикрларини ва ҳис-туйгуларини тушуна олиш; бошқаларнинг бошига тушган кулфат, фалокатлардан қайғуриш; ролларни қабул қилиш – оғир вазиятда бўлган кишиларнинг ўзини тасаввур, мушоҳада ёрдамида қўйиб кўрган ҳолда улардаги ижобий ҳис-туйгуларини қайта тикилашга кўмаклашиш; ўзгаларнинг қайғу-аламларидан, кулфатларидан қайғуриш, кўнгилни кўтарувчи, таскин берувчи сўзлар билан оғир вазиятда қолган кимсаларга ижобий таъсир кўрсатиш

Педагогик қобилияятни ривожлантириш – факат педагогларгагина хос бўлган қобилиятларни янада бойитиш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитни яратиш

Педагогик қобилияят – педагогик фаолиятни оқилона ташкиллаштириш ва олиб борилишига имкон берадиган, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган педагогга хос хусусиятлар

Перцептив-педагогик қобилияятлар (лот. “perceptio” – ўзлаштириш) – шахснинг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчининг психик ҳолатларининг нозик жиҳатларини тушуна олиш қобилияти

Психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни яратада олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий

мулокотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш

Релаксопедия (лот. “relaxation” – “қувватсизлик”, “заифлашиш”, рухан ёки жисмонан ҳолда тойишини бартараф этиш педагогикаси) – шахсда рухий ва жисмоний толикишларни бартараф этишга қаратилган педагогик фаолият

Ритмика – айрим сўз ва бўгинларнинг айтилиш муддати ва тўхталиши, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилиши

Ритм (юон. “rhythmos” < “гјео” – “оқаман”) – нутқда товушларнинг муайян изчиллик, кетма-кетлиқда асосида тақорланиб келиши, яъни нутқ вазнини ифодаловчи муҳим хусусият

Руҳий барқарорлик – руҳий-ҳиссий ҳолат (таъсирланиш)ларнинг давомийлиги ва барқарорлик даражаси

Ташкилотчилик қобилияти – педагог томонидан таълимий ва тарбиявий жараёнларни илмий-назарий, методик ва ҳиссий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини англатувчи сифат

Тембр (фр. “timbre” – “қўнгирок”, “белги”, “тамға”, “фарқловчи белги”) – товушнинг товланиши (товуш рангдорлиги, ёрқинлиги, юмшоқлиги ва алоҳидалиги)ни ифодаловчи хусусият

Технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илгор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш

Товушнинг ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг бежирим, йиғинчоқ ва тебранувчан эканлигини англатувчи хусусият

Товуш кучи – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг қуввати

Товуш пардози – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг сайқали, безаги

Товуш – чиқарилган ҳавони хиқилдоқдан ўтиш пайтида овоз пардаларнинг тебраниши натижасида вужудга келадиган ходиса, садо, сас

Фикрлаш маданияти – педагогнинг мавжуд педагогик вазиятларни инобатга ола билиши, уларнинг моҳиятидан

келиб чиққан ҳолда түғри қарорлар қабул қилиши ва уларни амалиётта самарали татбиқ эта олишини ифодаловчи сифат

Шахсий компетентлик – изчил равища касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш

Экстраграфикалык тизим (ингл. “exterior” – “ташқарыда”, нем. “linguistik” – “тил”) – гапираётган шахснинг ижтимоий вазифалари билан бевосита боғлиқ ҳолда нутқнинг ташкил этилиши (нутқий танаффуслар, кулгу, йұталиш, нафас олиш, йыглаш, тутилиш ва б.)ни ифодаловчи тизим

Экстремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табиий оғатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганды оқылона қарор қабул қилиш, түғри ҳаракатланиш малакасига әгалік

Үзини ўзи баҳолаш (ҮҮБ) – шахснинг ўз-үзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериси

Үз-үзини ривожлантириш – шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равища амалий ҳаракатларни ташкил этиши

Үзини ўзи таҳлил қилиш – педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилиши

Үз устида ишлаш – шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши

Ўқитувчи нутқи – педагогнинг таълим-тарбия жараённан тил воситаларидан фойдаланиши

Қобилият – шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият

Хис этиши маданияти – педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, хис-туйғулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали муроқотни ташкил этишини билдиради

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Лугавий жиҳатдан “competence” тушунчаси қандай маънони ифодалайди?

- a) характер;
- b) темперамент;
- c) қобилият;
- d) идрок.

2. Касбий фаолиятни амалга оширишда мутахассис томонидан ўзи учун зарур бўлган билим, кўникма, малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиши қандай сифатни ифодалайди?

- a) билимни;
- b) компетентликни;
- c) кўникмани;
- d) малакани.

3. 1) мураккаб жараёнларда; 2) рақобатчилар билан курашишда; 3) ноаниқ вазифаларни бажаришда; 4) бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда; 5) ҳар қандай вазиятда ҳам ютукка эришишга интилишда; 6) кутилмаган вазиятда харакат режасига эга бўла олишда. Компетентлик яққол намоён бўладиган ҳолатларни белгиланг.

- a) 1; 2; 3; 4;
- b) 2; 3; 5; 6;
- c) 1; 3; 4; 6;
- d) 1; 3; 4; 5.

4. А.К.Маркованинг фикрига кўра, педагогда касбий компетентликнинг қайси жиҳатлари намоён бўлади?

- a) маҳсус (касбий) компетентлик; ахборот компетентлиги; шахсий компетентлик; психологик компетентлик;
- b) методик компетентлик; инновацион компетентлик; шахсий компетентлик; индивидуал компетентлик;
- c) маҳсус (касбий) компетентлик; психологик компетентлик; инновацион компетентлик; коммуникатив компетентлик;

d) махсус (касбий) компетентлик; ижтимоий компетентлик; шахсий компетентлик; индивидуал компетентлик.

5. Б.Назарова педагогнинг касбий компетентлигига қайси жиҳатларни устувор деб белгилаган?

a) махсус компетентлик; ижтимоий компетентлик; психологик компетентлик; инновацион компетентлик;

b) махсус компетентлик; ижтимоий компетентлик; аутокомпетентлик; экстремал касбий компетентлик;

c) методик компетентлик; креатив компетентлик; аутокомпетентлик; экстремал касбий компетентлик;

d) инновацион компетентлик; методик компетентлик; аутокомпетентлик; экстремал касбий компетентлик.

6. Касбий компетентлик сифатларини белгиланг.

a) ижтимоий, махсус, креатив, инновацион ва экстремал компетентлик;

b) психологик, махсус, шахсий, индивидуал ва технологик компетентлик;

c) ижтимоий, махсус, шахсий, технологик ва экстремал компетентлик;

d) ижтимоий, методик, ташкилотчилик, технологик ва индивидуал компетентлик.

7. Ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўнишка, малакаларига

эгалиқ, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш. Бу ҳолатлар педагогда қандай компетентлик мавжудлигини ифодалайди?

a) шахсий компетентлик;

b) махсус компетентлик;

c) ижтимоий компетентлик;

d) экстремал касбий компетентлик.

8. Психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик. Ушбу таркибий асослар педагогга хос қандай компетентликка хос?

a) шахсий компетентликка;

- b) махсус компетентликка;
- c) ижтимоий компетентликка;
- d) экстремал касбий компетентликка.

9. Изчил равища касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш негизида педагогга хос қандай компетентлик акс этади?

- a) шахсий компетентлик;
- b) махсус компетентлик;
- c) ижтимоий компетентлик;
- d) экстремал касбий компетентлик.

10. Касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш педагогга хос компетентликнинг қайси сифатини ифодалайди?

- a) технологик компетентликни;
- b) махсус компетентликни;
- c) ижтимоий компетентликни;
- d) экстремал касбий компетентликни.

11. Фавқулотда вазиятлар (табиий оғатлар, технологик жараён ишдан чикқан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик. Ушбу малакаларга эгаликни ифодаловчи компетентликка хос сифат – бу

...

- a) махсус компетентлик;
- b) экстремал компетентлик;
- c) ижтимоий компетентлик;
- d) технологик компетентлик.

12. Педагогнинг ўз устида ишлаши неча босқичда кечади?

- a) 3 босқичда;
- b) 5 босқичда;
- c) 7 босқичда;
- d) 9 босқичда.

13. Ўз устида ишлаганда педагогнинг ютуқларини бойитиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ қарорга келиши қайси босқичда рўй беради?

- a) 1 босқичда;
- b) 2 босқичда;
- c) 3 босқичда;
- d) 4 босқичда.

14. Ўз устида ишлашнинг 1-босқичида педагог томонидан қандай ҳаракатлар ташкил этилади?

- a) ютуқларини бойитиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ қарорга келиш;
- b) ушбу қарор бўйича амалий ҳаракатларни самарали ташкил этиш йўлларини излаш;
- c) ўз фаолиятини таҳлил қилиш асосида ютуқ ва камчиликларини аниқлаш;
- d) қабул қилинган қарорнинг изчил бажарилишини доимий назорат қилиб бориш.

15. Педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилиши – бу ...

- a) ўз-ўзини ривожлантириш;
- b) ўз-ўзини баҳолаш;
- c) ўзини ўз таҳлил қилиш;
- d) ўзини ўзи англаш.

16. Шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши қандай номланади?

- a) ўз-ўзини ривожлантириш;
- b) ўз-ўзини баҳолаш;
- c) ўзини ўзи таҳлил қилиш;
- d) ўзини ўзи англаш.

17. Шахснинг ўзини ўзи самарали баҳолашига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

- a) ўзини ўзи таҳлил қилиш; шахс сифатида ўз кадр-кимматини англаш; ўзини-ўзи назорат қилиш;

- b) ўзини тушуниш; ўзини ўзи хурмат қилиш; ўзини-ўзи бошқариш;
- c) ўзини тушуниш; ўзини ўзи бошқариш; ўзини ўзи таҳлил қилиш;
- d) ўзини тушуниш; шахс сифатида ўз қадр-қимматини англаш; ўзини-ўзи назорат қилиш.

18. Шахснинг ўз-ўзидан қониқиши ёки қониқмаслиги нимани белгилайди?

- a) ўз-ўзини баҳолаш даражасини;
- b) ўзини ўзи англаш кўрсаткичларини;
- c) шахснинг ижтимоий мақомини;
- d) шахснинг ўзига нисбатан талабчанлигини.

19. ЎЎБ = ютуқлар/ўзини юкори баҳолашга интилиш (ёки ЎЎБ = Ю / ЎЮБИ). Ушбу формула ёрдамида қандай жараён амалга оширилади?

- a) ўз-ўзини англаш;
- b) ўз-ўзини баҳолаш;
- c) ўзини ўзи ривожлантириш;
- d) ўзини ўзи таҳлил қилиш.

20. Шахснинг ўзида касбий тажриба, малака, маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши қандай номланади?

- a) ўз-ўзини англаш;
- b) ўз-ўзини баҳолаш;
- c) ўзини ўзи ривожлантириш;
- d) ўзини ўзи таҳлил қилиш.

21. Ҳар бир шахс ёки мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БКМ, касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган шахсий ҳаракатдаги дастур қандай номланади?

- a) индивидуал ривожланиш дастури;
- b) мақсадли ривожланиш дастури;
- c) истикболли ривожланиш дастури;
- d) мажмуавий ривожланиш дастури.

22. Бирор бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, хеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш қандай номланади?

- a) билим;
- b) маҳорат;
- c) кўникма;
- d) малака.

23. Педагогнинг педагогик жараённи ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ва бошқариш қобилияти, кўникма-малакасига эгалиги ... деб номланади?

- a) педагогик тажриба;
- b) педагогик ёндошув;
- c) педагогик маҳорат;
- d) педагогик билимдонлик.

24. Педагогик одоб; педагогик билимдонлик; педагогик қобилият; педагогик мулокот маданияти; педагогик релаксация; коммуникатив таъсир кўрсатиш қобилияти; педагогик такт (назокат); педагогик техника; нутқ техникаси; педагогик ижодкорлик; педагогик тажриба; педагогик маданият. Улар ниманинг таркибий қисмлари?

- a) педагогик тажриба;
- b) касбий компетентлик;
- c) педагогик маҳорат;
- d) педагогик малака.

25. Педагогнинг ўз олдига ўзига, касбига, жамиятга, талабаларга ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан муносабатда бўлишига қўядиган ахлоқий талаблари тизими қандай номланади?

- a) педагогик билимдонлик;
- b) педагогик обрў;
- c) педагогик одоб;
- d) педагогик назокат.

26. Педагогик одобнинг асосий шаклларини кўрсатинг.

- a) педагогик малака; педагогик адолат; педагогик эмпатия; педагогик обрў;
- b) касбий-педагогик бурч; педагогик назокат; педагогик мажбурият; педагогик билимдонлик;
- c) касбий-педагогик бурч; педагогик адолат; педагогик мажбурият (деонтология); педагогик обрў;
- d) касбий-педагогик бурч; педагогик қобилият; педагогик техника; педагогик обрў.

27. Педагогнинг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа, жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий мақоми қандай номланади?

- a) педагогик маданият;
- b) педагогик назокат;
- c) педагогик обрў;
- d) педагогик одоб.

28. Педагогга хос бўлиб, педагогик фаолиятни оқилона ташкиллаштириш ва олиб борилишига имкон берадиган, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган хусусиятлар қандай номланади?

- a) педагогик малака;
- b) педагогик тажриба;
- c) педагогик ёндошув;
- d) педагогик қобилият.

29. Дидактик қобилият; академик қобилият; перцептив-педагогик қобилият; нутқ қобилияти; ташкилотчилик қобилияти; авторитар қобилият; коммуникатив қобилият; педагогик хаёлот; дикқатни тақсимлай олиш қобилияти. Педагогик қобилиятнинг ушбу турлари ким томонидан гурухланган?

- a) В.А.Крутецкий;
- b) А.К.Маркова;
- c) Р.Декарт;
- d) Ж.Пиаже.

30. Педагогик мұлоқот услубларини күрсатинг.

- a) авторитар, демократик ва либерал;
- b) авторитар, мұқобил ва демократик;
- c) мұқобил, демократик ва инсонпарвар;
- d) демократик, инсонпарвар ва хукукий.

31. Талабаларнинг ҳиссий фаолияти, рухий-жисмоний қуввати ва ишчанлық қобилиятыниң қайта тиклаш қандай номланади?

- a) педагогик рефлексия;
- b) педагогик релаксация;
- c) педагогик деонтология;
- d) педагогик техника.

32. Талабага ҳурмат билан мұносабатда бўлиш; талабчанлик; сұхбатдошни қизиқиши (дикқат) билан тинглай олиш ва қайғуриш малакаси; рухий барқарорлик, дадиллик, оғир вазминлик; мұносабатлар жараённан ишонч билан сўзлай олиш; қатъиятлилик (қайсарлик эмас); талабаларга эътиборли, хушёрга бўлиш. Ушбу асосий қўринишлар нимага хос?

- a) педагогик одобга;
- b) педагогик обрўга;
- c) педагогик назокатга;
- d) педагогик маҳоратга.

33. Ўзини ўзи ҳиссий бошқариш; пантомимика; мимика; жест (кўл, оёқ ҳаракат)дан ўринли фойдаланиш; нутқ техникаси; алоҳида сўз ёки ифодаларни ифодалаш суръати (ритмика). Улар ниманинг асосий турлари саналади?

- a) педагогик техниканинг;
- b) нутқ техникасининг;
- c) педагогик билимдонликтининг;
- d) педагогик назокаттининг.

34. В.А.Сухомлинскийнинг фикрига кўра, қош-қовоқни уюб юрмаслиқ; бошқаларнинг камчиликлари, нұқсанларини ошириб күрсатмаслиқ; ҳазил-мутойибага мойил бўлиш; хушмуомала бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш. Улар қандай ҳолатнинг мухим шартлари саналади?

- a) ўз-ўзини бошқариш;
- b) ўзини ўзи таҳлил қилиш;
- c) рухий барқарорликка эришиш;
- d) ўзини ўзи англаш.

35. Шахс ички кечинмалари, ўй-фикрлари, характеристининг гавда ҳаракати ва имо-ишоралар ёрдамидаги ифодаси қандай номланади?

- a) этикет;
- b) жест;
- c) мимика;
- d) пантомимика.

36. Шахснинг юз мускуллари ҳаракатлари орқали ўз фикри, хис-туйғулари, кайфияти ва мавжуд воқеликка нисбатан муносабатини ифодалаши қандай номланади?

- a) этикет;
- b) жест;
- c) мимика;
- d) пантомимика.

37. Нутқни тингловчига етказишида қўлланиладиган воситалар мажмуи қандай номланади?

- a) нутқ диалектикаси;
- b) нутқ техникаси;
- c) нутқ структураси;
- d) нутқ фактураси.

38. Касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнинда педагог томонидан ортирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуи қандай номланади?

- a) педагогик қобилият;
- b) педагогик тажриба;
- c) педагогик малака;
- d) педагогик кўникма.

39. Педагогнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси билан ташки кўриниши ўртасидаги ўзаро уйғунлик, мутаносиблик нимани ифодалайди?

- a) педагогнинг обрўсини;
- b) педагогнинг назокатини;
- c) педагогнинг қобилиятини;
- d) педагогнинг имиджини.

40. “Креативлик” тушунчасининг луғавий маъноси – бу...

- a) яратиш;
- b) янгилик киритиш;
- c) ўзгартериш киритиш;
- d) шахс ижодкорлиги.

41. Индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёргигини тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирадиган ижодий қобилияти қандай номланади?

- a) эрудиция;
- b) интуиция;
- c) креативлик;
- d) эврика.

42. Муаммо ёки илмий фаразларни илгари суриш; фаразни текшириш ва ўзгартериш; қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш; муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик. Креативликни ифодаловчи ушбу ҳолатлар ким томонидан асосланган?

- a) В.А.Крутецкий;
- b) П.Торренс;
- c) Р.Декарт;
- d) Ж.Пиаже.

43. Ижодий йўналганлик, мантиқий фикрлай олиш, эрудиция (билағонлик), бой тасаввур, ижодий таъсирчанлик ва ташаббускорлик, ўз ижодкорлигини тўла-тўқис намойиш этиш, рефлексия қобилияти, ҳиссиётга бойлик, мавжуд тажриба ва

билимлар асосида янги қарорларни қабул қилиш малакаси. Улар ниманинг негизида акс этувчи сифатлар саналади?

- a) креативликнинг;
- b) эрудициянинг;
- c) билимдонликнинг;
- d) интуициянинг.

44. Ўзини таваккал қилишдан олиб қочиш; фикрлаш ва хатти-харакатларда кўпопликка йўл қўйиш; шахс фантазияси ва тасаввурининг юқори баҳоланмаслиги; бошқаларга тобе бўлиш; ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат ютуқни ўйлаш. Улар қандай омиллар саналади?

- a) шахс қобилиятини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи;
- b) шахс креативлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи;
- c) шахс интуициясини ривожлантиришга хизмат қилувчи;
- d) шахс креативлигини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи.

45. Педагог креатив потенциалининг таркибий асосларини кўрсатинг.

- a) тизимли ёндошув; мажмуавий ёндошув; назорат; таҳлил ва баҳолаш;
- b) мақсадли-мотивли ёндошув; мазмунли ёндошув; тезкор-фаолиятли ёндошув; рефлексив-баҳолаш;
- c) тизимли ёндошув; тизимли таҳлил; фаолиятли ёндошув; баҳолаш;
- d) мажмуавий ёндошув; инновацион ёндошув; мотивацион фаолият; тизимли таҳлил.

46. Муаммоли характерга эгалик; ижодий йўналтирилганлик; имкониятларни ошириб бориш; индивидуалликка эришиш; креативликнинг ёрқин намоён бўлиши; бир бутунлик, изчиллик ва тизимлилик; шахснинг индивидуал хусусиятлари ва ҳаётий фаолиятда орттирган сифатларининг ўзаро уйғунлиги. Ушбу тамойиллар қандай сифатни белгилашга хизмат қилади?

- a) педагогга хос педагогик маҳоратни;
- b) педагогга хос креативлик потенциалини;
- c) педагогга хос касбий сезирликни;
- d) педагогга хос педагогик қобилиятыни.

47. Педагогнинг креатив потенциали даражасини аниқловчи мезонларни кўрсатинг.

- a) ташаббускорлик, ташкилотчилик қобилиятга эгалик, ижтимоий фаоллик, изланувчанлик;
- b) ҳиссиётга бойлик, креатив қобилиятга эгалик, фантазиянинг бойлиги, изланувчанлик;
- c) ташаббускорлик, креатив қобилиятга эгалик, креатив фаоллик, изланувчанлик;
- d) ташаббускорлик, креатив қобилиятга эгалик, дунёқарашининг кенглиги, тиришқоқлик.

48. Педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги гояларни яратиши, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти қандай номланади?

- a) педагогик сезигирлик;
- b) педагогик креативлик;
- c) педагогик ижодкорлик;
- d) педагогик новаторлик.

49. Шахснинг креатив фаолиятини баҳоловчи тестлар неча турга бўлинади?

- a) 2 турга;
- b) 3 турга;
- c) 4 турга;
- d) 5 турга.

50. Педагогнинг талабалар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар, раҳбарият билан педагогик одоб ва мулоқот талабларига мувофиқ ҳолда ўюштирадиган сухбати қандай номланади?

- a) педагогик муомала маданияти;
- b) педагогик ҳулқ маданияти;
- c) педагогик мулоқот маданияти;
- d) педагогик нутқ маданияти.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси / Тузувчилар Ш. Қурбонов, Ҳ. Саидов, Р. Аҳлиддинов. Нашр учун масъул: Т. Рискиев. – Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти, 1999. – 182 б.
2. Каримов. И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 62 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 173 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 31-61-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 214 б.
6. Каримова В.М. Ижтимоий психология / Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун. – Тошкент: “Fan van texnologiyalar”, 2007. – 176 б.
7. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности – СПб.: СПГУТД, 2006.
8. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.
9. Джуринский А.Н. История педагогики / Учебное пособие. – Москва: ГИЦ Владос, 1999. – 430 с.
10. Иванов Р.И., Зуфарова М.Э. Умумий психология / Педагогика ва психология бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2008. – 480 б.
11. Mavlonova R., To’rayeva O., Xoliqberdiyev K. Pedagogika (kasb-hunar kollejlari uchun darslik). Ikkinchisi nashri. – Toshkent: “O’qituvchi” NM ijodiy uyi, 2008. – 496 b.
12. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Знание, 1996.
13. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004.
14. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
15. Мухиддинов А.Г. Ўқув жараённада нутқ фаолияти. – Т.: Ўқитувчи, 1995.

16. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши. Насаф, 2000. – 80 б.
17. Педагогика /Жисмоний тарбия институтлари учун дарслик. Рус тилидан таржима. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 296 б.
18. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 379 б.
19. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет. қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иногомова. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – 193 б.
20. Педагогика фанидан изоҳли лугат / Тузувчилар Ж.Ю.Ҳасанбоев ва бошқ. – Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009. – 671 б.
21. Психология. Қискача изоҳли лугат / Тузувчилар: М.Г.Давлетшин ва бошқ. Масъул мухаррир М.Г.Давлетшин. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 1998. – 46 б.
22. Сайдахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т.: ОПИ, 2003.
23. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
24. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005. – 205 б.
25. Кудратов Т. Нутқ маданияти асослари / ОЎЮ учун ўқув қўлл. – Т.: “Педагог”, 1993.
26. Husanov B., G’ulomov V. Muomala madaniyati / Darslik. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2009.
27. <http://ru.wikipedia.org/wiki>.
28. http://conf.edu.yar.ru/docs/adult/rf411_256.pdf.

ИЛОВА

Ўз-ўзини самарали бошқариш (ривожлантириш)нинг 37 қоидаси

1. Камолотга ва тақрорланмас (ягона) бўлишга интилинг!
2. Ўз-ўзини таҳдил қилишга эътибор қаратинг!
3. Ўзингизга нисбатан талабчан бўлинг!
4. Ўзингиз учун гоҳо-гоҳо дам олишни уюштиринг, “мехнатнинг қули” бўлманг!
5. Бошқаларга ачининг, бирок, ўзингизга ачинишингизга йўл қўйманг!
6. Ўз орзу-истакларингизнинг қулига айланманг!
7. Ўзингиз учун ўзига хос ҳаёт тарзини яратинг!
8. Мулокот маданиятини ўзлаштиринг!
9. Жиддийлик, босиқлик талаб этилганда жиддий, босиқ бўлинг!
10. Ўзингизнинг кучингиз ва қобилиятингизга ишонинг!
11. Вакт тутқич бермайди, уни қўлдан бой берманг!
12. Хатолар сабоқ чиқаришингизга ёрдам беради, унумтманг, ҳатто қироллар ҳам хатога йўл қўядилар.
13. Вакти-вақти билан танаффус қилишга, нафас ростлашга ҳаракат қилинг!
14. Илм ўрганинг!
15. Ўтмишга назар ташламанг, бугун билан яшанг ва эртани ўйланг!
16. Мехнат инсонни такомиллаштиришини унумтманг!
17. Ҳаракатларингизнинг изчил бўлишига эришинг!
18. Бугун бажаришингиз мумкин бўлган ишни эртага қолдирманг!
19. Бошқаларни нима учун кечира олмасангиз, ўзингизни ҳам ана шулар учун кечирманг!
20. Ўз устингиздан ҳукмронлик қилишингиз, бошқаларнинг устидан ҳукмронлик қилишингизнинг гаровидир!
21. Бошқалардан улар мукаммал бўлмаганликлари учун хафа бўлманг!
22. Ўз ҳиссиётларингизни бошқара олсангиз, енгилмас бўласиз!

23. Рухий зўриқишлар (стресс)ларни бартараф этишни ўрганинг!
24. Иродангизни чиниқтириб боринг!
25. Ўз танангизни назорат қилишни ўрганинг, унинг хукмдорига айланасиз!
26. Камчиликларингиз билан курашишда моҳир жангчи бўлинг!
27. “Оқ қарға” бўлиш (бошқалардан ажралиб туриш)дан қўрқманг!
28. Ўз олдингизга аниқ мақсад қўйишни ўрганинг!
29. Олий мақсадларга интилишни ўрганинг!
30. Кўпчилик ўрнига ишлаш – қорга ёзиш каби бефойда эканлигини унутманг!
31. Тартиб - тартибли бўлишнинг муҳим омили!
32. Ўзингизни ҳимоя қилишни, ғуурурли бўлишни ўрганинг!
33. Иззатталаблигингиздан фойдаланиб, қирол бўлинг!
34. Ҳийла-найрангларнинг курбони бўлманг!
35. Хатти-ҳаракатларингиз устидан интуиция (ички сезги)нгизнинг устун келишига йўл қўйиб беринг!
36. Ўзингизга тез-тез “Нима учун?” деган саволни бериб туринг!
37. Муваффақиятсизликлардан чўчиманг – улар Сизни олға интилишга рағбатлантиради!

МУНДАРИЖА

| | |
|----------------------------------------------------------------|-----|
| Сўзбоши | 3 |
| Педагогик компетентликнинг тузилиши ва мазмунни | 4 |
| Педагогик маҳорат асослари ва унинг таркибий қисмлари | 19 |
| Педагогик креативлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари | 72 |
| Хотима | 91 |
| Глоссарий | 93 |
| Тест топшириқлари | 104 |
| Фойдаланилган адабиётлар | 116 |
| Илова | 118 |

Теришга 10.12.2015 йил берилди. Бичими 60x84 1/16. Офсет босма.
“Times” гарнитураси. Шартли б.т. 7,00. Адади.200 нусха. Бўйортма №506.

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Широк кўчаси 100-йй.
Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95